

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ЖЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

Ипакчилик ва тутчилик факультети

“Умумий зоотехния” кафедраси

Бакалавриат 5410600-« Зоотехния» (турлар бўйича) таълим йўналиши

4-93 гуруҳ талабаси

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

АБДИРАСУЛОВА ФЕРУЗА ЗАФАРЖОН ҚИЗИ

**Мавзу: “Маҳаллий қорамолларни қозоқи оқбош зоти билан
чатиштиришда новвосларнинг ривожланиши ва гўшт маҳсулдорлиги”**

Илмий раҳбар:

Умумий зоотехния кафедраси

доценти, қ.х.ф.д

Қ.Ж.Шакиров

“Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга қўйилди”

“Умумий зоотехния” кафедраси

муdiri, қ.х.ф.д., доцент

У.Р.Соатов

“ _____ ” _____ 2020 йил

Ипакчилик ва тутчилик

факультети декани, қ.х.ф.н., доцент

Н.О.Ражабов

“ _____ ” _____ 2020 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ	5
1. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ	9
1.1. Қозоқи оқбош зоти	10
1.2. Ёш қорамоллар гўшт маҳсулдорлигининг улар зоти билан боғлиқлиги	13
1.3. Ёш молларни гўштга парваришлаш ва бўрдоқилашнинг технологик хусусиятлари	18
2. ТАЖРИБА ОБЪЕКТИ, МАТЕРИАЛЛАРИ ВА УСЛУБЛАРИ	20
3. ТАЖРИБА НАТИЖАЛАРИ	22
3.1. Гўштчилик хўжаликларида эркак бузоқларни 6-8 ойлигига қадар тўлиқ эмизиб, яйлов шароитида парваришлаш технологияси	22
3.2. Очиқ майдонларда эркак бузоқлар ва новвосларни жадал парваришлаш ва бўрдоқилаш технологияси	25
3.3 Тажрибадаги ёш молларнинг ўсиш ва ривожланиши	28
3.4. Ёш молларнинг масса ўсиши	30
3.5. Ёш моллар танасининг хажмига ўсиши	32
4. ТАЖРИБАДАГИ МОЛЛАРНИНГ ГЎШТ МАҲСУЛДОРЛИГИ	34
4.1. Молларнинг сўйим кўрсаткичлари	34
4.2. Гўшт нимтасининг таркиби ва сифати	35
4.3. Ички аъзолар (резги маҳсулотлари) чиқими	38
4.4. Ички ёғларнинг тўпланиши ва тарқалиши	39
4.5. Гўштни кимёвий таркиби, тўйимлилиги ва биологик сифати	40
5. ТАЖРИБАДАГИ МОЛЛАРНИНГ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ	42
5.1. Гематологик кўрсаткичлари	42
5.2. Ташқи муҳит шароитига молларни сезгирлиги	44
6. ТАЖРИБАДАГИ МОЛЛАРНИ ГЎШТГА БОҚИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ	47
Меҳнат фаолияти муҳофазаси	58
Хулосалар	59
Ишлаб чиқаришга таклифлар	60
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	61

Шартли белгилар, бирликлар, символлар ва терминлар

ПҚ-Президент қарори

Кг-килограмм

%-фоиз

I, II, III, IV- лактация сонлари

II-III-IV-чатишма авлодлар бўғини

АҚШ-Америка Қўшма Штатлари

Млн-миллион

См-сантиметр бирлиги

$^{\circ}\text{C}$ -градус целзи ҳарорати

Мг-миллиграмм бирлиги

Л-литр бирлиги

n- моллар сони

ЭОБ-энергетик озиқа бирлиги

Г-грамм

МДж-микроджоул бирлиги

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Республикада чорвачилик ва асосан қорамолчилик озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлашда улкан аҳамиятга эга бўлиб, аграр комплексининг асосий соҳаларидан бири ҳисобланади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда чорвачилик маҳсулотлари улушининг 47 фоизига тенглашиб бориши бундан далолатдир. Бунда қорамолчиликнинг тутган ўрни, сут ва гўшт маҳсулотлари етиштиришни янада жадаллаштириш, подаларни такомиллаштириш, молларнинг маҳсулдорлик генетик потенциалини кўтариш муҳум илмий ва амалий аҳамиятга эга. Шу боис ҳам чорвачиликни ва айниқса қорамолчиликни шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида кенг ривожлантириш тадбирларида сут ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини кескин ошириш илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, долзарб ҳисобланади.

Чорвачилик соҳаси республикада янада жадал даражада ривожланмоқда. Айниқса шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорвачиликни ривожлантириш чора-тадбирлари ижобий натижалар бермоқда.

Ўзбекистон республикасини 2017 – 2021 йилларда янада ривожлантиришга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясида¹ қишлоқ хўжалигини, айниқса чорвачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган ва ишлаб чиқаришга кўпайтиришга интенсив методларни жорий қилиш вазифалари белгилаб берилган. Бу борада чорва маҳсулотларини ишлаб чиқришни кўпайтиришда ресурстежамкор ва инновацион технологик усуллардан фойдаланишга йўналтирилган тадқиқотлар эса жуда муҳим аҳамият касб этади. Чорвачилик тармоғини жадал ривожлантириш, замонавий ва инновацион услубларни жорий этиш, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва турларини кенгайтириш, шунингдек, аҳолини маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон чорва маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш ҳамда чорвачиликка ихтисослашган корхоналарни давлат

¹ Ўзбекистон республикаси президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” фармони.

томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сон қарорлари ПҚ-2841-сон² ва ПҚ-4243-сонли³. Хамда 2019 йил 28 мартдаги «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5696-сон [Фармони](#)⁴. Чорвачиликни ривожлантиришдаги чора-тадбирлар ҳозирги жаҳон иқтисодий инқирози даврида ва уларни Ўзбекистонда олдини олиш ва бартараф этиш жараёнида муҳум аҳамиятга эга ҳисобланади. Республикада қабул қилинган ушбу қорорлар дастуру амал бўлиб келмоқда.

ПҚ-308 (23 март 2006 йил) ва ПҚ-842-сонли⁵ ва қатор бошқа қарорлар шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорвачиликни ривожлантириш ва айниқса, қорамолчилиқни жадаллаштириш ва уни такомиллаштиришни рағбатлантириш каби қатор чора-тадбирлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда ва истиқболлар захирасини кўрсатмоқда. Чорвачиликда иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора – тадбирлар тўғрисидаги қораорлаи” аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Республикамиздаги қорамоллар сонини ва чорвачилик маҳсулотлар ишлаб чиқариш миқдорининг 94-96 фоизидида кўтарилиши шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида тўғри келмоқда.

Шу боисдан айниқса, ушбу хўжаликларда қорамолчилиқни ривожлантириш, улар сонини кўпайтириш, зотдорлигини яхшилаш, маҳсулотлар ишлаб чиқариш илғор технологияларини жорий этиш ҳисобидан

² Ўзбекистон республикаси президентининг 16.03.2017 й. п пқ-2841 чорвачиликда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида қарори.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.03.2019 й. ПҚ-4243-сон "Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартдаги «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5696-сон [Фармони](#)

1. ⁵ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сон қарори

улар маҳсулдорлигини кескин ошириш муҳум илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, долзарб ҳисобланади.

Аҳолининг шахсий ёрдамчи ва деҳқончилик хўжаликларида сермахсул моллар сонини кўпайтириш, чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, фермер хўжаликларида чорвачиликнинг наслчилик базасини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш ўз ечимини кутмоқда. Ўзбекистон ҳукумати республикада чорвачиликни барқарор ривожлантириш муҳумлиги ва мавжуд муаммоларнинг ўткирлигига эътибор қилган ҳамда тармоқда ислоҳ қилиш борасида қатор қонунлар қабул қилиб, ривожлантириш чора-тадбирларини босқичма-босқич амалга оширмоқда. Ўзбекистонда чорвачиликни ривожлантиришдаги захиралар шунчалик кўпки уларни босқичма-босқич ишга солиш соҳадаги ривожлантириш истиқболларини таъминлайди. Шу боисдан энг долзарб муаммоларни амалга ошириб боришимиз жоиздир.

Ҳозирги чорвачилик ҳолатидан маълумки, аксарият фермер хўжаликларининг майдалиги замонавий технологияларни қўллаш орқали ижобий самара олиш имкониятини чекланишига шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари ривожига кераклича таъсир кўрсатмаётганга сабаб бўлмоқда.

Иккинчидан фермер хўжаликларида молларни тўйимли озиқлантиришда шасий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида экстенсив шароитларни яхшилашда озуқаларнинг етишмаслиги, озуқалар экиладиган майдонларни хаддан пастлиги ва айниқса экинлар ҳосилдорлигининг 2 бараварга пастлиги наслдор ва товар моллар талабини қондиришга тўсиқ бўлмоқда. Учинчидан наслчилик базасининг ночорлиги, наслдор яхшиловчи зотли молларни камлиги ва улардан самарали фойдаланишдаги технологик ва наслчиликдаги қатор муаммолар наслчилик хўжаликларини такомиллаштиришга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ушбу натижаларга республика ҳукумати томонидан берилаётган имтиёзлар натижасида эришилмоқда. Чорва молларини озуқа базаларини ажратиш кенг табиий яйлов ҳудудларидан фойдаланишга эришилди. Қишлоқ

аҳолиси яшаш ҳудудларида омехта ем, шрот ва бошқа озуқаларни сотиш жойларини ташкил этилиши ва амалга оширилиши ҳам озуқалар билан таъминлаш муаммоларини енгиллаштиради.

Булар республикада ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг самарасидир. Интенсив деҳқончилик ҳудудларида ўтказилаётган чоратадбирлар сингари кенг табиий яйловларга эга бўлган Тошкент, Жиззах, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари тоғ олди ва тоғли ҳудудлари, Амударёнинг қуйи оқими ва Орол бўйи ҳудудларида гўштдор қорамолчилиكنи ривожлантириш истиқболлари очиб бермоқда. Ушбу муддатларда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида гўштдор қорамолчилик подаларини шакллантириш, маҳаллий қорамоллар гўшт маҳсулдорлигини оширишда гўштдор зотлардан кенг фойдаланишнинг илмий асослари ва илғор тажрибалар натижалари улкан захираларни очиб бермоқда. Айниқса, тоғ ва тоғли ҳудудлардаги кенг яйловлар, тўйимли ўтлар захиралари арзон ва сифатли қорамол гўшти етиштиришда катта манбадир.

Шу боис биз ўз битирув малакавий ишимизни бажаришда ушбу захираларга эътибор қаратган ҳолда маҳаллий қорамолларни қозоқи оқбош гўштдор зоти билан чатиштириш асосида гўшт маҳсулдорлиكنи кўтаришда к.х.ф.д, доцент Қ.Ж.Шакиров бошчилигида олиб борган илмий-тадқиқотларни ўрганиб ва уларни таҳлил этдик.

Ишнинг мақсад ва вазифалари. Қатор вилоятларнинг тоғ олди ва тоғли ҳамда Амударёнинг қуйи оқими ва Орол бўйи табиий яйлов ҳудудларида маҳаллий қорамолларни қозоқи оқбош зот билан чатиштириш бўйича ўтказилган тадқиқот ишлар натижаларини ўзлаштириш ва тадбиқ қилиш услубларини давлат тилида таҳлил этиш ишнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Ушбу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

- маҳаллий қорамоллар ва қозоқи оқбош зотининг хўжалик фойдали хусусиятларини ўрганиш;
- тажрибада қўлланилган чатиштириш усулларини ўзлаштириш;

- ёш молларни сақлаш ва озиқлантириш технологиялари билан танишиш;
- ёш молларнинг ўсиш ва ривожланиш ҳамда экстерьер хусусиятларини ўрганиш;
- новвосларнинг гўшт маҳсулдорлиги ва унинг сифатини ўрганиш ҳамда таҳлил этиш.

Ишнинг янгилиги. Маҳаллий қорамолларни қозоқи оқбош зоти билан чатиштиришда гўшт маҳсулдорлигини ошириш усуллари ва парваришlash технологиясининг илмий асослари ҳамда тажрибаларнинг натижаларини давлат тилида таҳлил этиш.

Амалий аҳамияти. Маҳаллий қорамолларни F_1 қозоқи оқбош генотибли янги гўшtdор авлодларини олиш, гўшт маҳсулдорлиги ва унинг сифатини яхшилашга эришган амалий самарадорликни шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида жорий этишда улар эътиборига давлат тилида етказиш.

1. АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

1.1. Қозоқи оқбош зоти

Қозоқи оқбош зоти ихтисослаштирилган гўшт йўналишида, маҳаллий зоти ва қолмиқ зотларини герефорд зоти билан завод усулида чатиштиришда Қозоғистоннинг ғарбий-шимолий ва Россия Федерациясининг шарқий чўл ҳудудларида яратилган С.Я.Дудин, (1997), Л.П.Прахов, (1995), У.Н.Носиров (2001). Чунки маҳаллий қорамоллар маҳсулдорлик сифатлари билан хўжаликлар талабини қондирмаслигида, англиядан тез етилувчан гўшт йўналишидаги герефорд зоти олиб келинган. Чатиштириш асосида гўшт маҳсулдорли подаларни шакллантиришдаги селекция ва технологик чоратадбирлар амалга оширилган. Ушбу усулларни қўллашда маҳаллий қорамоллар ва айниқса қолмиқ зотининг табиий иқлим шароитларига бардошлигини сақлаб қолишга катта эътибор қараталган.

Чатиштиришда она зоти сифатида фойдаланилган қозоқи қорамоллар ва қолмиқ зотли сигирларнинг тирик массаси 290-338 килограммни ташкил қилган М.И.Придорогин (1996) А.В.Лонина (1995) Н.З.Галиакберов (1999), Д.Н.Пак, Я.Ф.Степаненко, Т.Ф.Тавилдарова, (1995) ва нисбатан йириклари - 377-421 кг массали сигирлар Оренбург, Волгоград ва Саратов вилоят хўжаликларида урчитилган. Маҳаллий моллар массаси янги гўштдор подаларни яратишда ижобий таъсир кўрсатган Л.П.Прахов (1975).

Н.П.Кулешовнинг (1879) маълумотиға кўра қозоқи молларнинг гўшт нимталари чиқими 50,0-52,4 % ва сўйим чиқими 56,0-59,0 % ни ташкил этади. Яхши бўрдоқи қилинганларида тегишлича 55,3-59,3 ва 62,5-74,0 % га етади. Ушбу сифатлар ҳам чатиштиришда эътиборга олинган.

Чатиштиришда ота зоти сифатида фойдаланилган герефорд зоти ўша даврлардаёқ машҳур бўлиб, кўп давлатларга импорт қилиниб самарали фойдаланилган. Ушбу зотли моллар Собик Иттифок ҳудудига биринчи бор 1928-1933 йилларда Англия ва Уругвайдан импорт қилинган (1240 наслдор буқачалар ва 267 тана). Англиядан олиб келинган буқалар тирик массаси 18

ойлигида ўртача 475 килограмм бўлса, Уругвайдан келтирилганлариники -344 кг, 4 ёшида тегишлича-777 кг ва 624 кг. Сигирлар массаси тегишлича-541 ва 510 килограммга тенглашган Л.П.Прахов (1995).

Маҳаллий қозоқи қорамолларни герефорд зоти билан чатиштириш учун катта ҳудудлар ва кўп сонли хўжаликлар ажратилган. Жумладан, Қозоғистонда-550 минг кв. км., 13 област ва 68 туманлар ушбу тадбирга беркитилган. Сунъий уруғлантириш ишлари кенг олиб борилган.

Натажада чатишма авлодлар сони тез кўпайиб борган. 1934 йилда улар сони 29 минг бошга, 1938 йили-116 минг бошга етган. 1937 йилдан бошлаб янги зотни яратиш тадбарлари олиб борилган. Янги зотнинг сифат белгилари аниқлаб олинган:-сигирлар тирик массаси 520-550 кг, бўрдоқлариники 850-900 кг, 18 ойлик буқачалар массаси 450 кг, 24 ойдан юқориси 500 кг, сўйим чиқими 60 %, лаҳим гўшт ва ёғ чиқими 80 %, сигирларни сутдорлиги-2200-2500 кг ва унинг таркибидаги ёғ миқдори 4,0 %.

Олинган чатишма молларнинг II-III ва қисман IV-авлодлари “ўз ичида” урчитилган Н.З.Галиакбаров (1995) А.В.Ланино (1998) Л.П.Прахов (1995).

Зотни тасдиқлаш даври 1950 йилга келиб янги зотли молларнинг сони 388 минг бошни ташкил этган. Янги зотли молларга герефорд зотининг туси тўлиқ ўтган, улар чуқур ва кенг танага эга бўлиб, кўпроқ ва орқа қисми мускуллар билан тўлишган сифатларига эга. Етук ёшдаги сигирларнинг тирик массаси Оренбург вилоятида ўртача 503 кг, Урол вилоятида 511 кг, Актюбинда 492 килограммни ташкил қилган. Энг яхши сигирлар массаси 650-750 килограммга ва буқалар 900-1000 килограммга етган Л.П.Прахов, (1995).

Қозоқи оқбош зотли моллар табиий яйловлардан унумли фойдаланиш ҳамда кескин континентал иқлим шароитига мослашиш хусусиятларига эга. Моллар ёзнинг иссиқ ва қишнинг совуқ кунларида ҳам яйловда сақланади. Яйлов ўтларининг юқори тўйимли даврида тез семиради ва юқори ўсиш қобилитини кўрсатади. Молларнинг тана тузилиши герефорд зотига яқинлашиб боради. Сигирларнинг яғрин баландлиги-123-125 см, кўкрак чуқурлиги-68-70 см, кенглиги-43-45 см, тананинг қия узунлиги-150-155 см,

кўкрак айланаси-187-190 см, почка айланаси-18-20 см У.Н.Носиров (2001) Н.М.Костомахин (2007). Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, моллар ўртача катталиқда, кўкракги чуқур ва кенг, танаси мутаносиб ривожланган кенг, мускуллар билан тўлишган, суяклари мустаҳкам.

Янги туғилган бузоқларнинг массаси 27-30 кг, 8 ойлигида 220-240 кг. Молларнинг гўштдорлик сифати яхши. Гўштга жадал боқилганда ўртача кунлик ўсиш массаси 900-1000 граммни ташкил этиб, 15-18 ойлигида 450-480 килограмм тош босади. Яхши ўсиб семирганлари 18 ойлигида 541 ег етиб, 295 кг гўшт нимтаси ва 35,6 кг ички ёғлар беради. Гўшт нимтасидаги суяк миқдори 13,9 % га пасаяди. Семиртирилган новвосларнинг сўйим чиқими 60-65 фоизга тенг У.Н.Носиров (2001), Н.М.Костомахин (2007).

Сигирларнинг сутдорлиги-1000-1500 кг унинг таркибидаги ёғ миқдори 3,8-4,0 %.

Ушбу зот Собик Иттифоқ республикаларида гўшт йўналишидаги зотлар ичида энг кўп тарқалган бўлиб, унинг салмоғи 10 % (14606 бош) га тенг. У герефорд зотидан касалликларга чидамлиги, озуқаларга бардошлиги ва оғир иқлим шароитига бардошлиги билан устиворлик қилади.

Зотни такомиллаштиришга қаратилган селекция ва технологик тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2002 йили унинг янги “Заволжск” типи яратилган.

Ушбу моллар типи тўқол бўлиб, тана тузилишининг юқори гўштдорлик шакли ва мустаҳкам конституцияси билан фарқланади Н.М.Костомахин (2007).

Зотнинг энг яхши подалари Волгоград вилоятининг “Красный октябрь” наслчилик заводи, Оренбург вилоятининг “Димитровский” наслчилик заводи ва қатор репродуктор ва наслчилик фермаларида тўпланган. Ушбу зотли моллар Қозоғистоннинг қатор ҳудудлари билан бирга Россиянинг Олтой ўлкаси, Волгоград, Оренбург, Самарск, Саратов вилоятлари ва Агинск Бурет автоном округига тарқалган.

Зотда машхур бука тизимлари яратилиб, уларнинг авлодлари наслчилик хўжаликларида кенг фойдаланилган. Жумладан, “Фопфул”, “Солдат”, “Волчик”, “Деман”, “Мастер”, “Беглец”, “Бортон” ва қатор бошқалар.

Қozoқи оқбош зотли моллар Марказий Осиё республикаларига ҳам келтирилган ва репродуктор хўжаликлари ташкил этилган. Улар асосан гўштдор қорамолчилик худудларида маҳаллий қорамолларни чатиштириш ва гўштдор подалар яратишда фойдаланилган. Ушбу чатиштириш ишлари 1957-1960 йиллардан бошланган. 1980-1985 йилларда олиб келинган соф зотли урғочи моллар асосида репродуктор хўжаликлари шаклланган. Ўзбекистонда Жиззах вилоятининг Зомин туманида “Бешбулок”, Хоразм вилоятининг “Қизил жар” ҳамда Қорақолпоғистоннинг Бўзатов туманидаги гўштчилик хўжаликларини келтириш мумкин. Зот устида олиб борилган селекция ишлари уларни соф ҳолда урчитишда такомиллаштириш, масса ўсишини тезлаштириш ва гўштдорлик шаклини яхшилашга қаратилган.

Чатиштиришдан олинган авлодларнинг массаси, гўштдорлик хусусиятлари ҳамда гўштнинг сифати кескин кўтарилган У.Н.Носиров (2001).

1.2. Ёш қорамоллар гўшт маҳсулдорлигининг улар зоти билан боғлиқлиги

Турли зотларни биологик хусусиятлари молларнинг хўжалик фойдали сифатларига ўзининг таъсирини ўтказилди С.Я.Дудин (1997), Э.Н.Доротюк, (1998), П.Н.Буйная (1969) У.Н.Носиров (1973).

Гўштдор типдаги моллар сут ва қўш маҳсулдорли йўналишдагиларга нисбатан гўштга топшириш конденциясига тез етишади ва ёшлигиданок этилган гўшт беради. Яхши ва юқори гўшт маҳсулдорлиги гўштдор йўналишидаги зотларга хос. Қozoқи оқбош зотли буқачалар гўштига жадал боқилганда сутдан ажратилгандан сўнг ўртача 1060-1080 граммдан ҳар куни масса қўшади, 15 ойлигида 470-480 килограммга етади. Сўйилганда эса 57-63 % сўйим чиқими беради. Гўшт нимтаси мускуллар билан тўлишганлиги ва “мрамирлиги” билан характерланади. Гўшт нимтасининг биқин, тос-сон

қисмлари 43-44 фоизни ташкил этади. 1 кг суякка 4,5-4,7 килограммдан лаҳим гўшти ва ёғи тўғри келади, гўшт таркибида 12-14 % ёғ ва 15-17 % оқсилни ташкил этади Л.П.Прахов (1995).

Қозоқи оқбош зотининг юқори гўшtdорлик сифатлари сут йўналишидаги зотлар билан чатиштиришда олинган чатишма авлодларига берилади Н.А.Мавлянов, (1966) У.Н.Носиров ва Б.Убайдуллаев, (1970), Н.Ф.Робувцев, И.И. Черкашенко, (1971) Р.С.Нурмуратов, (1976) Е.А.Арзуманян ва бошқалар, (1985).

Қолмиқ зотли молларни жадал парваришlashда оддий хўжалик шароитида боқишга нисбатан кўп ва сифатли гўшт беради Э.Н.Доратюк (1972), Б.А.Багрий, Э.Н.Доратюк, (1979). 18,5 ойлик мобайнида 3405 озиқа бирлиги истеъмол қилишида тирик массаси 530 килограммга етади. Гўшт нимта массаси 287 кг, сўйим чиқими-66 %, лаҳим гўшtdор ва ёғ чиқими-84,3 % ва гўшт таркибидаги ёғ миқдори 25,8 % ҳамда оқсил -15,65 % га тўғри келади.

Британия гўшtdор зотлари-абердин-ангус-геррефорд ва шотгорн тез етилувчанлиги ва ёш сигирдаёқ бўрдоқиланиш сифати билан алоҳида ажратлиб туради. Ушбу зотли моллар гўштида 15 ойлигида оптимал миқдордаги формалогик ва кимёвий таркиби юқори тўйимлиги ва таъми кузатилади Г.Миниш, Л.Фокс, (1986).

Қорамолчилиكنинг технологик йўналишида гўшт учун гўшtdор зотларнинг чатишма авлодларини олиш амалиёти кенг қўлланилмоқда. Уларга бўлган тадбирлар ўзгариб бормоқда. Жумладан, ахталанган новвосларга бўлган талаб-тирик массаси-454-590 кг, гўшт нимта массаси 272-363 кг, ёғ тўқимасининг қалинлиги-0,76-1,0 см, мускул кўзи майдони-77,4-96,3 см² Г.Миниш, Д.Фокс, (1986).

Турли зотларни урчитиш ва бузоқлаш хусусиятлари таққосланганда лимузин зотли сигирлар устиворлик қилган. Жумладан, лимузин зотли сигирлардан туғилган бузоқлар 76,3 фоизни ташкил этган бўлса, уларни сутдан сўнг деярли сақланиши 70,4 фоизга тўғри келган, геррефорд зотида-73,1

ва 63,6 %, британ зотларида-70,7 ва 62,0 %, симментал зотида 69,1 ва 57,2 фоизга тенг.

Икки ва уч зотли чатиштириш усуллариининг самарадорлиги катор олимлар томонидан ўрганилган. Жумладан, ангус, герефорд ва шотгорн зотларини чатиштиришда гўшт маҳсулдорлигини кўтарилишидаги устиворлик 18-23 фоизни ташкил қилган. Икки зотли чатишма бузоқлар сутдан ажратилганда тирик массаси 168-184 кг, уч зотли чатишма авлодларда-184 ва соф зотлиларда-137-163 килограммга тўғри келган. Уларнинг урчиш хусусиятлари ўрганилганда икки зотли чатишма сигирларнинг бузоқ бериши 78-87 %, уч зотли чатиштиришни-84-88 % бўлиб, бузоқларни сақланиши-89-94 %, сутдан ажратилгандаги кўрсаткичи-72-82 %, икки зотли чатишмаларга тўғри келган бўлса, уч зотли чатиштиришда 91-95 ва 77-81 фоизни ташкил этган G.Locck, U.Leege, (1987), M.D.Mac Nell, L.V.Gregory, (1998).

АҚШнинг жанубий штатларининг табиий-иқлим шароитида яратилган гўштор зотлар ўзининг алоҳида хусусиятларига эга. Жумладан, санта-гертруда зотини оладиган бўлсак, тропик ва субтропик худудларда яхши мослашади, юқори ўсиш тезлиги билан характерланади, яйлов ўтларидан ва айниқса дағал пояли хашаклардан самарали фойдаланиб тез семиради ҳамда майдончалар шароитида яхши бўрдоқиланади У.Н.Носиров (2001).

Франция ва Италия гўштор зотлари дунёда энг йирик зотлардан бўлиб, жадал ўсиш ва мускул тўқималари ҳисобидан тўлишиб бориш, ёғ тўқималарини кам тўплаш каби хусусиятларга эга.

АҚШ, Франция ва Италия гўштор зотлари сут йўналишидаги зотлар билан саноат усулида чатиштиришда самарали ҳисобланади. Олинган чатишма авлодларнинг гўшт маҳсулдорлиги кескин кўтарилиб, унинг сифати яхшиланади У.Н.Носиров (1999) В.С.Рашидов, (1979) П.Н.Буйная, А.Е.Макеев, (1970) П.Н.Позняков, К.Т.Касимов (1976).

Ўзбекистон шароитида районлаштирилган сут ва қўшмаҳсулдорли зотлар ҳар бир-биридан гўшт маҳсулдорлиги ва унинг сифати бўйича фарқланади.

Улар орасида қора-ола зотли моллар устиворлик қилади. Швиц ва бушуев зотли ёш моллар жадал парвариш қилинганда яхши гўшт маҳсулдорлигини намоён этади. 18 ойлигида 370-420 килограмм массага етиб 56-60 % миқдорида сўйим чиқими беради А.А.Абдурашитов, (1960) И.Х.Акбарходжаев (1990) М.И.Самарцев (1972).

Россия гўштдор қорамолчилик институтида қатор гўштдор зотли моллар бир чаклаш ва озиқлантириш шароитида парваришланиб синовдан ўтказилган. 3229-3235 озиқа бирлиги сарфланганда 15,5 ойлик герефорд новвослар массаси 518 кг, қозоқи оқбошларники -504 кг. Шотгорн зотлиларники-483,5 кг, қолмиқ зотлиларники-484,3 ва абердин-ангус зотиники-442,4 килограммга етган. Уларнинг максимал ўртача кунлик ўсиши баҳор-ёз ойларида кузатилади ва гуруҳлар бўйича тегишлича-1352 г, 1221, 1272 ва 1217 граммни ташкил этган Э.Н.Доротюк ва бошқалар (1976).

Ҳар бир зотга хос бўлган ўсиш ва ривожланиш ҳамда гўшт маҳсулдорлигининг намоён бўлиши уларни боқиш ва парваришlash технологияларига боғлиқ. Ушбу ҳолатни К.Н.Уразгунов, Б.Л.Герасимовларни (1987) қозоқи оқбош зотида ўтказган тажрибаларида кўриш мумкин. Бир гуруҳ новвослар яйлов шароитида боқилиб 1194,6 озиқа бирлиги ва иккинчи гуруҳ новвослар оғилхонада сақланиб қўлдан 1371 озиқа бирлиги миқдорида озиқлантирилганда ўртача кунлик масса ўсиши I-гуруҳда 740 г ва II-гуруҳда-834 граммни ташкил этган.

Қозоқи оқбош зотини жадал боқишга мойиллик хусусиятлари қатор бошқа тажрибаларга ҳам таққосланган А.В.Черкаев, И.А.Черкаева (1985), Б.Л.Герасимова, А.Кудашева ва бошқалар, (1987) ўтказган тажрибаларида қозоқи оқбош зотли новвослар кўк ўт бериб 14 % концентрат озуқалар миқдорида бўрдоқиланганда ўртача кунлик масса ўсиши 800-1000 граммга тўғри келган.

Шундай қилиб, қатор олимларнинг ўтказган тажрибалар яқунлари ва уларнинг натижаларига кўра қорамолларнинг зоти ва озиқлантириш даражаси

гўшт маҳсулдорлиги ва унинг сифатига таъсир кўрсатади. Ушбу кўрсаткичларда устиворлик зотларнинг ирсий хусусиятларига боғлиқ.

1.3. Ёш молларни гўштга парваришlash ва бўрдоқилashнинг технологик хусусиятлари

Қорамол гўшти ишлаб чиқаришни жадаллаштириш омилларида ёш молларни жадал парваришlash якуний бўрдоқилash муҳим ўрин тутди.

Гўштдор қорамолчилик технологияларида молларни йил мобайнида яйловларда боқиш ва якуний бўрдоқилashда тўйимли озуқалар билан таъминlash қадрияти янада устиворлик қилади. Яйлов ўтлари тўйимлигининг кескин камайиши ва қиш даврида озуқаларнинг камлиги молларнинг масса ўсишига салбий таъсир кўрсатади У.Н.Носиров (1973) Я.З.Жолондзъ, (1974) А.В.Черкаев (1975) Н.И.Востриков (1977).

Гўштдор қорамолчилик амалиётида молларни турли ҳудудий яйловларда семиртириш технологиялари такомиллаштириб боришда ва молларнинг семизлик имкониятлари ишга солинмоқда. Айниқса, ёш молларни очик майдонларда жадал парваришlash ва бўрдоқилash юқори самара бермоқда Г.И.Бельов ва бошқалар (1988) А.В.Черкаев, (1975) Шу боисдан гўштдор қорамолчиликда хўжаликларни ихтисослаштириш мақбул. Гўштга мўлжалланган буқачалар онаси сутидан 6-8 ойлигида ажратилиб, махсус бўрдоқичилик майдонларида жадал парваришlash ва бўрдоқилash табирлари юқори самара бермоқда. Одатда ёш моллар очик майдончаларда турли дағал ва ширали озуқалар билан озиқлантирилади ва керакли оптимал меъёردа концентрат озуқалар қўшилади. Ушбу технологик усулларда сақлаш ва озиқлантириш арзонга тушади. Ушбу турдаги бўрдоқилash технологиялари ва очик майдондаги бўрдоқичилик комплекслари барча давлатларда ва айниқса АҚШда кенг қўлланилмоқда. 1000, 8000, 10000 ва ҳаттоки 20000 бошга мўлжалланган бўрдоқичилик очик майдонлари фаолият кўрсатмоқда Г.Миниш, Д.Фокс, (1986) Н.И.Востриков, Г.И.Бельков (1975).

Ўтказилган тадбирлар натижасига кўра уч зотли чатишма гўштдор новвослар очик майдонларда бўрдоқиланганда уларнинг тирик массаси 457-470 кунлик даврида 516 килограммга етган ва ўртача кунлик семириш 1053-1167 граммдан тўғри келган L.V.Marshall, R.R.Frohman (1985).

Очик майдонларда ёзнинг исик кунлари ва қишнинг совуқ кунларида молларни бўрдоқилаш натижаларига уларнинг табиий-иқлим шароитига мослашуви ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Маълумки, ҳавонинг исик ҳарорати таъсирида иштахаси бўғилади. Шу боис озуқаларни оз-оздан тез-тез беришга тўғри келади В.М.Куликов, П.П.Серов, (1970).

J.E.Minton (1987) тажрибаларида ҳаво ҳароратининг 25-35 °C да молларнинг озуқаларни истеъмол қилиш миқдори 3-10 % га, 35 °C дан юқорилашганда эса 5-35 % га камаяди.

Таъкидлаш жоизки, исик иқлим шароитига яхши мослашган қорамоллар очик майдончаларда ёз даврида боқишга мақбул келади. Жумладан, браман, санта-гертруда, брангус, брафорд гўштдор зотлари ҳамда Ўзбекистоннинг маҳаллий зебусимон қорамоллари ва бушуев зоти У.Н.Носиров (1971), П.В.Кугенов (1976).

Молларнинг бўрдоқиланиш хусусиятларига шунингдек паст ҳарорат ҳам таъсир кўрсатган. Жумладан, ҳаво ҳароратини оптимал меъёрдан -7 °C га камайишида озуқалар харажати 10,2 кг дан қуруқ модда ҳисобида кўпайган. Ўртача кунлик масса ўсиши 1200 граммдан 800 граммгача пасайиб кетган. 1 кг семиришга озуқалар харажати 8,2 дан 13,7 озиқа бирлигига кўтаришган D.R.Ames (1987).

Юқорида келтирилган факторларни эътиборга олинган ҳолда технологик шароитлар такомиллаштириб борилмоқда. Россиянинг Оренбург вилоятида ушбу очик майдонларда бўрдоқилилашда 67,8 минг бош қорамолларнинг ўртача тирик массаси 396 килограммга етказилган. Ўртача кунлик масса ўсиш 690 граммни, 1 кг семиришга сарфланган озуқалар 10 озиқа беришни, 1 ц гўшт ишлаб чиқаришга сарфланган иш соати 7,5 % ни ташкил этган.

Илғор корхоналарда ўртача гўштга топшириш массаси 400-445 килограммга, кунлик ўртача ўсиш 800-970 граммга кўтарилиб, рентабеллик даражаси 70-80 % га тенглашган Б.А.Бағрий, (1979) Г.И.Бельков, (1980).

Шундай қилиб, гўштор қорамолчиликда очик бўрдоқилаш майдонча корхоналарини ташкил этиш, гўшт етиштириш ва бўрдоқилашни ихтисослаштириш ва самарали сақлаш ва озиқлантириш технологияларини жорий этиш қорамол гўшти ишлаб чиқаришни жадаллаштиришдаги муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

2. ТАЖРИБА ОБЪЕКТИ, МАТЕРИАЛЛАРИ ВА УСЛУБЛАРИ

Тажриба объекти қилиб, маҳаллий қорамоллар, қозоқи оқбош зоти ва уларни швиц ҳамда қозоқи оқбош икки ва уч зотли авлодлари танланди. Ўрганиш материаллари қилиб, ушбу йўналишдаги чатиштириш ишларидан профессор У.Н.Носиров ва унинг шогирди У.А.Аккулов томонидан (1990) ўтказилган тажрибаларининг натижаларини олиб, уларни ўз битирув малакавий ишимизда таҳлил қилдик, хулосалар чиқардик ҳамда ишлаб чиқаришга таклифлар келтирдик.

Чатиштириш бўйича ўтказилган тажрибаларда маҳаллий швиц генотибли сигирлар қозоқи оқбош зоти билан чатиштирилган. Тоғ олди худудидаги гўштдор қорамолчилик худудларида гўштдор подаларни яратиш ва олинган эркак молларни ихтисослаштирилган очик майдонларда жадал парваришлаш ва бўрдоқилаш технологик усулларда гўшт маҳсулдорлиги оширилган.

Тажриба ишлари қуйидаги схема бўйича амалга оширилган.



Схемада келтирилган тажриба ишлари зоотехнияда қабул қилинган классик усулларда бажарилган. Ўсиш ва ривожланиш моллар тирик массасини аниқлаш, тана ўлчовларини олиш, индексларини ҳисоблаш усулларида. Бўрдоқиланиш ва биологик хусусиятлар технологик сақлаш ва озиқлантириш, клиник ва гематологик кўрсаткичларда. Гўштнинг сифати ва терининг товар кўрсаткичлари сўйим чиқимини, морфологик ва кимёвий таркибини ҳамда терининг чиқими, майдони ва қимматлигини ўлчаш усулларида.

3. ТАЖРИБА НАТИЖАЛАРИ

Маълумки гўштдор қорамолчиликни ихтисослаштириш, ёш молларни гўштга жадал парваришлаш ва бўрдоқилаш технологик тадбирлари муҳим аҳамиятга эга. Биринчидан, гўштдор қорамолчилик хўжаликларида табиий яйловлар шароитида пода ишлаб чиқариш, бузоқларни 6-8 ойлигига қадар оналарига эмдириб парваришлаш технологияларини иқтисодий томондан самарали бўлиб, арзон гўшт ишлаб чиқарилади.

Иккинчидан-эркак бузоқ (6-8 ойлик) ва новвосларни сурма деҳқончилик ҳудудларида ташкил этилган бўрдоқчилик хўжаликларининг очик майдонларида сақлаб, шрали, дағал ва концентрат озуқалар билан йил мобайнида жадал парваришлаш ва бўрдоқилаш новвосларни гўштга топшириш массасини ва семизлик кондинциясини кескин оширади ва гўшт ишлаб чиқаришни жадаллаштиради.

Ушбу бажарилган тажриба ишларида юқорида келтирилган ихтисослаштириш ва гўштга парваришлаш технологиялари эътиборга олинган.

3.1. Гўштчилик хўжаликларида эркак бузоқларни 6-8 ойлигига қадар тўлиқ эмизиб, яйлов шароитида парваришлаш технологияси

Ушбу технологик ишлар Зоомин туманининг тоғ олди ва тоғли яйлов шароитида бажарилган. Баҳор мавсумида туғилган бузоқлар тоғ олди ва тоғли яйловларда 6-8 ойлигига қадар оналари билан бирга боқилиб, она сутини тўлиқ эмиб, улғайган. Бузоқларнинг асосий озиуқаларини она сути ва яйлов озуқалари ташкил этган. Баҳор ойларида моллар тоғ олди (денгиз сатҳидан 1000-1700 м баландликда) ва ёз даврида тоғли (денгиз сатҳидан 1800-3000 м

баландликда) яйловларда боқилган. Ушбу технологик усулда тўйимли кўк ўтлардан фойдаланиш мавсуми узайтирилган, сигирларни серсутлиги оширилган ва бузоқларни соғлом ва дуркин ўсиши таъминланган. Яйлов мавсумида табиий сув манбалари ҳамда ош тузи билан таъминлаш асосида эътиборда бўлган. Оби-ҳаво шароитига қараб моллар кунига 3-4 маротаба суғорилган.

1-жадвал

Бузоқларни яйлов давомида кунлик масса ўсишининг ўзгариши

Кўрсаткичлар	Тажриба гуруҳлари		
	I-гуруҳ	II-гуруҳ	III-гуруҳ
Туғилгандаги тирик массаси, кг	22,5	21,9	22,3
Сутдан ажратилганда 6-8 ойлигидаги тирик массаси, кг	150,0	132,5	133,0
Сут эмиш давридаги ўртача кунлик масса қўшиши, г	607	481	471
Ш.ж.яйлов мавсумларида, г			
Апрел ойида	397	309	297
Май ойида	654	600	567
Июнь ойида	864	518	550
Июль ойида	720	620	607
Август ойида	677	637	637
Сентябр ойида	639	600	580
Октябр ойида	513	507	510
Ноябр ойида	426	413	393

Молларни чақувчи кана ва бошқа хашоратларни кўпайиши даврида моллар кундузи дарахт сояларида сақланган. Ушбу даврда тунги яйловда боқиш муддати узайтирилган. Яйловда боқиш давомийлиги ҳаво ҳарорати,

яйлов баланд-пастлиги ва бузоқларнинг ёшига қараб белгиланган. Ёзнинг кундузги ҳаво ҳарорати 30-35 °C дан ошганда моллар яйловда кам ўтлаб, кўпроқ дам олишда бўлган. Салқин тушиши билан кундузги боқиш давомийлиги узайтирилган. Бузоқларнинг яйловда сақлаш ва боқиш даври 6-8 ойлигига қадар давом этган. Улар оналари сутидан ноябр ойининг охирида ажратилган. Ушбу даврдаги уларнинг тирик массасининг ўсиши оналари сут маҳсулдорлиги ва яйлов ўтларининг тўйимлиги билан боғланишликда бўлган. Яйлов мавсумига қараб уларнинг кунлик масса ўсиши ўзгариб борган (1-жадвал).

6-8 ойлик бузоқларнинг онасидан ажратилгандаги тирик массаси I-гурухда 140,0-172,5 кг, II-гурухда-122,3-150,5 кг ва III-гурухда-120,2-148,0 килограммга тўғри келган. Улар массасининг ўртача кўрсаткичи тегишлича 150,0 кг, 132,5 ва 133,0 килограммга тенг. Ўртача кунлик масса ўсиши 607, 481 ва 471 граммни ташкил этган.

Ёш молларни яйлов шароитида ўсиши уларнинг зотиға ва истеъмол қилган яйлов озуқалари билан боғлиқ. Қозоқи оқбош зотли бузоқлар икки ва уч зотли чатишма авлодлардан масса ўсиш бўйича устиворлик қилган. Бу борада II ва III-гурухдаги бузоқлар кўрсаткичлари орасида фарқланишлик паст даражада кузатилади. Шундай зотлараро фарқланишликка уларнинг истеъмол қилган она сути ва яйлов озуқаларининг истеъмол қилиш даражаси ўз таъсирини кўрсатган (2-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, қозоқи оқбош зотли бузоқлар II ва III-гурухдаги тенгдошларига нисбатан она сути ва яйлов ўтларининг кўп истеъмол қилган. Ушбу кўрсаткичларда II ва III-гурухларнинг ўзаро фарқланишлиги нисбатан кам. Она моллар сут маҳсулдорлигининг ойлар бўйича фарқланишлиги кузатилади. Бу ҳолат уларнинг зоти ҳамда яйлов ўтларидан самарали фойдаланиш характериға боғлиқ.

Она сутини эмиб 6-8 ойлигига қадар яйловларда боқилган бузоқларнинг истеъмол қилган озуқаларида нисбатан фарқланишлик мавжуд. I-гурухдаги бузоқлар ушбу даврда 723,7 озиқа бирлиги ва 54,1 кг хазмланувчи протеин

истеъмол қилган бўлсалар, II- гуруҳда тегишлича 697,2 ва 51,6, III-гуруҳда- 678,9 ва 50,3 килограммга тўғри келган. I-гуруҳдагилар истеъмол қилинган озиқ моддалари бўйича II ва III-гуруҳлардан 3,8 ва 6,6 % га, хазмланувчи протеин бўйича эса-4,8 ва 7,6 % га устиворлик қилади. Ушбу кўрсаткичларда II-гуруҳ бузоқларни III-гуруҳдагилардан ижобийлиги билан фарқланади.

2-жадвал

Яйлов мавсумида (6-8 ойлик даврида) бузоқлар томонидан истеъмол қилинган она сути ва яйлов ўтлари, кг (ўртача бир бошга)

Календар ойлар	I-гуруҳ		II-гуруҳ		III-гуруҳ	
	Она сути	Яйлов ўтлари	Она сути	Яйлов ўтлари	Она сути	Яйлов ўтлари
Апрел	113,5	-	107,3	-	105,6	-
Май	141,2	132	144,9	126	138,6	114
Июнь	158,2	180	106,4	103	112,0	112
Июль	145,0	200	150,1	157	138,0	145
Август	134,2	283	120,9	295	131,8	295
Сентябр	102,3	392	105,4	441	96,1	445
Октябр	75,0	385	75,0	409	78,0	406
Ноябр	43,4	388	62,0	365	51,2	325
Жами:	912,8	1961	872,0	1896	851,2	1842
Озуқалар тўйимлиги:						
Озиқа бирлиги	337,7	386,0	322,6	374	315,0	363,9
Хазмланувчи протеин	31,0	23,1	29,6	22,0	28,9	21,4

Шундай қилиб яйловда парваришлаш ва сут ичиш даврида қозоқи оқбош соф зотли бузоқлар ва уларнинг уч зотли генотиплари юқори масса ўсиш хусусиятларига эга.

3.2. Очиқ майдонларда эркак бузоқлар ва новвосларни жадал парваришлаш ва бўрдоқилаш технологияси

Тажрибадаги эркак бузоқ ва новвосларни жадал парваришлаш ва бўрдоқилаш технологик тажрибалари Тошкент вилоятининг “Қизил шалола” тажриба хўжалигида махсус тайёрланган майдончаларда ўтказилган.

Сутдан ажратилган 6-8 ойлик эркак бузоқлар Зоомин тумани гўштчилик хўжаликларидан декабр ойининг биринчи декадасида очик майдончаларга келтирилган. Очик майдонча енгил типдаги айвон билан жиҳозланган бўлиб, дам олишда фойдаланилган, ҳар бир молга 11 м² майдон (ш. Ж. 2 м² айвон таги) ажратилган. Озиқлантириш фронти бир молга ўртача 40 см дан тўғри келган. Айвонлар оситида дам олиш жойларига 25-30 см қалинликда сомон тўшамалари ташкил этилиб, дам олишдаги қулайликлар яратилган.

Молларни сақлаш жойларидаги ҳаво ҳарорати феврал ойида ўртача плюс 0,8 °C га тенг бўлса, айрим кунлари тунда совуқ минус 16 °C гача кўтарилган. Ушбу ташқи муҳит ҳароратида ётиш жойларидаги тўшамаларни 5 см чуқурликдаги ҳарорати 12-13 °C да сақланган. Ушбулар молларни сақлашда комфорт шароитларни яратилган. Молларда совуқдан шамоллаш ҳолатлари кузатилмаган. Ёзнинг иссиқ кунларида ҳаво ҳарорати ўртача 36 °C бўлса, максимал-плюс 42 °C га кўтарилган. Ушбу ташқи муҳит шароити албатта моллар физиологик ҳолатига салбий таъсир кўрсатган. Шундай қилиб, ушбу технологик шароитларда тажрибадаги ёш моллар 15,5-18 ойлигига қадар 288 кун мобайнида сақланган.

Ёш молларни ширали, дағал ва концентрат озуқаларда жадал парваришлаш ва бўрдоқилаш гўшт маҳсулдорлигини кўтарилишига ижобий таъсир кўрсатган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, тажрибадаги моллар гуруҳига бир хил сақлаш ва озиқлантириш шароитлари яратилган. Уларнинг ҳар бирига ўртача 1847-1859 озиқа бирлиги ва 244 кг хазмланувчи протеин сарфланган. Уларнинг 1320-1324 озиқа бирлиги ёки 71 фоизи концентрат озуқаларга тўғри келган.

Парваришлашнинг дастлабки-“стартер” даврида рационнинг асосий қисмини дағал ва ширали озуқалар ташкил қилиб, ўртача кунлик масса ўсиш гуруҳлар бўйича тегишлича 574, 484 ва 603 граммни ташкил этган. Иккинчи-“ўсиш” даври -992, 674 ва 817 граммни ва якуний -“бўрдоқилаш” даврида-975, 960 ва 859 граммга кўтарилган. Концентрат озуқалар салмоғини даврлар

бўйича кўтарилиб бориши бўрдоқилаш натижасига ижобий таъсир кўрсатган. Парваришлаш ва бўрдоқилашнинг 288 кунлик даврида массасининг мутлок ўсиши гуруҳлар бўйича -252,6 кг, 220,3 ва 216,9 килограммни ёки ўртача кунлик ўсиш-877, 767 ва 753 граммни ташкил қилган.

3-жадвал

**Очиқ майдонда парваришлаш ва бўрдоқилашда сарфланган озуқалар
миқдори ва тўйимлиги, кг**

Сарфланган озуқалар	I-гуруҳ	II-гуруҳ	III-гуруҳ
Беда пичани	293,3	281,3	280,3
Беда сенажи	363,9	360,0	360,0
Кўк беда массаси	1713,5	1758,2	1758,2
Кўк маккажўхори массаси	118,0	74,0	74,0
Маккажўхори силоси	57,0	55,5	55,5
Озуқавий лавлаги	60,0	60,0	60,0
Омихта ем	1242,0	1238,9	1238,9
Шрот	92,3	92,3	92,3
Озуқалар тўйимлиги:			
Озиқа бирлиги	1859,1	1846,8	1846,8
Хазмланувчи протеин	243,80	243,40	243,40

Ҳар бир килограмм масса қўшишига тегишлича-7,36, 8,36 ва 8,51 озиқа бирлиги сарфланган.

18 ойлик даврига қадар сарфланган озуқаларни ҳисобга олсак, гуруҳлар бўйича-2526-2578 озиқа бирлиги сарфланган. Уларда пичан, сенаж ва кўк беда массалари тўйимлиги 21,5-22,0 %, яйлов ўтлари тўйимлиги -14,4-15,0 %, она сути-12,4-13,1 %, маккажўхори силоси ва кўк массаси ҳамда хашаки лавлаги - 1,-1,2 %, концентрат озуқалар-49,2-50,1 % ни ташкил этган. 1 кг тирик масса ўсишига сарфланган озуқалар миқдори I-гуруҳда-6,36 озиқа бирлиги, II-гуруҳда-7,71 ва III-гуруҳда-7,74 озиқа бирлигига тўғри келган.

Шундай қилиб келтирилган технологик тизимда молларнинг гўшт маҳсулдорлиги кескин кўтарилган.

3.3 Тажрибадаги ёш молларнинг ўсиш ва ривожланиши

Маълумки, ёш молларнинг ўсиш ва ривожланиши тананинг массасига ва хажмига ўсиш кўрсаткичларини аниқлаб бориш услубида аниқланади. Масса ўсиши молларнинг тирик массаси, мутлоқ ва нисбий, ўртача кунлик кўрсаткичларда ўрганилиб борилса, тананинг хажм ўсиши тана ўлчовларини олиш ва индексларини ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

3.4. Ёш молларнинг масса ўсиши

Моллар гўшт маҳсулдорлигини шаклланишининг турли ташқи муҳит шароитларида ўтиши, уларнинг ўсиш ва ривожланиши билан боғлиқ.

Ўсиш организмнинг барча хужайралар тўқималар ва аъзолар массасининг маълум даврларда ўсиши ёшнинг улғайиши билан тирик массасини аниқлаш асосида аниқланади. Молларни тарозида тортиш билан уларнинг тирик массаси ҳамда маълум даврлар оралиғидаги мутлоқ ўсиш кўрсаткичлари ўрганилди (4-жадвал).

4-жадвал

Тажриба гуруҳларидаги ёш моллар тирик массасининг ўзгариш динамикаси ($X \pm S_x$), кг

Ёши, ой	I-гуруҳ	II-гуруҳ	III-гуруҳ
Туғилганда	22,5±2,41	21,9±0,88	22,3±0,99
3	80,0±2,41	64,7±3,12	64,7±2,01
5	121,9±4,97	102,3±3,01	101,9±2,75
8	150,0±2,61	131,9±3,17	131,2±4,84
12	256,5±7,33	218,0±6,65	321,6±6,52
15	346,0±6,40	306,8±6,85	314,5±9,50
18	432,9±18,7	378,5±5,02	385,2±10,25

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, генетик юқори маҳсулдорлик хусусиятларига эга бўлган қозоқи оқбош зотли молларни бошқа гуруҳдаги тенгдошларидан ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари бўйича устиворлик қилган. Ушбу устиворлик барча ёшларида кузатилади. II ва III-гуруҳдаги моллар кўрсаткичлари деярли бир-бирига яқин бўлиб, айрим даврларда тебранишлиги билан фарқланади.

Худди юқорида келтирилган устиворлик ёки фарқланишлик меъёри мутлоқ ва ўртача кунлик ўсиш кўрсаткичларида ҳам кузатилади. Тирик массасининг мутлоқ ўсиши 8-12 ойлик даврида I-гуруҳда 106,5 кг бўлса, II-гуруҳда 86,1 ва III-гуруҳда 100,4 килограммга тўғри келган. Ўртача кунлик масса ўсиши 12-18 ойликда тегишлича 980, 891 ва 853 граммни ташкил этган.

Тажрибаларда тирик массани мутлоқ ўсиши билан бирга унинг нисбий ўсиши ҳам ўрганилган (5-жадвал). Олинган маълумотларга кўра моллар массасининг нисбий ўсиш тезлиги улар ёшининг улғайиб бориши билан пасаяди. Агарда 3 ойлигига қадар массасининг нисбий ўсиш тезлиги 97-112 фоизни ташкил этган бўлса, 3-5 ойлик даврида 41-45 фоизгача ва 5-8 ойлик даврида 21-25 фоизга пасайган. 8-12 ойлик парваришlash даврида озиқлантириш меъёрининг кўтарилишида массасининг нисбий ўсиш тезлиги ҳам нисбатан кўтарилган (50-55 %), кейинги даврларда унинг пасайиб бориши яна такрорланган.

Жумладан 12-15 ойлигида 30-34 % ва 15-18 ойлик даврида 15-22 % га пасайиб борган.

Тажриба гуруҳларида молларнинг ёши улғайиш давридаги кўрсаткичларида турлича ўзгариш характери кузатилади. 0-3 ойлигидаги сут ичиш даврида I-гуруҳ бузоқлари устиворликка эга бўлса, 3-5 ва 5-8 ойлик даврида II ва III-гуруҳ кўрсаткичларидан пасайиб кетган. 8-12 ойлигида яна устиворлик қилиб, 12-15 ойида яна пасайган. Ушбу ўзгаришлик ҳолатларини молларнинг озуқа тўйимлигига талабчанлиги билан тушунтириш мумкин.

Тажрибадаги ёш моллар массасининг нисбий ўсиш тезлиги, %

Ёш даврлари, ой	I-гурух	II-гурух	III-гурух
0-3	112,2	98,8	97,4
3-5	41,5	45,5	44,6
5-8	20,7	25,3	25,1
8-12	52,4	49,8	55,3
12-15	29,7	33,9	30,3
15-18	22,3	20,9	14,9
0-8	147,7	143,0	141,3
8-18	97,1	96,6	98,3
0-18	180,0	178,1	178,0

Умуман олганда 0-8 ойлик ва 0-18 ойлик давридаги нисбий ўсиш кўрсаткичлари юқори бўлган ва буларда I-гурух устиворлик қилган. 8-18 ойлик даврда эса нисбий ўсиш тезлиги барча гуруҳларда тенглашган.

Ташқи муҳит шароитларининг кескинлашиб бориши моллар массасининг нисбий ўсиш тезлигига салбий таъсир кўрсатади. Жумладан, бузоқларни онасидан ажратган даврларида технологик стресс факторлар ўз таъсирини кўрсатиб, ўртача кунлик масса ўсиши 312-329 граммга пасайиб кетган, бу ҳолатда нисбий ўсиш тезлиги ҳам 21-25 % гача пасайган.

Шу боис ушбу технологик стресс факторини олдини олиш чоратадбирларини ишга солиш жоиз. Жумладан рационда концентрат озукалар миқдорини кўтариш билан ҳам мавжуд муаммони олдини олиш мумкин.

3.5. Ёш моллар танасининг ҳажмига ўсиши

Маълумки, ёш моллар тана тузилиш шакли ёки экстерьерини ўрганиш билан уларнинг маҳсулдорлик типи ва конституцияси аниқланади. Тана ўлчовларини олиш билан унинг ҳажмига ўзгариши ўрганилади. Тана тузилиш шаклига ва унинг ўзгариб боришига турли ирсий ва ноирсий факторлар таъсир кўрсатади. Ушбу факторларнинг таъсири ўтказилган тажрибаларда

ўрганилган. Молларнинг 12 та тана ўлчовлари уларнинг 15 ва 18 ойлигида аниқланган (6-жадвал).


6-жадвал

Тажрибадаги новвосларнинг тана ўлчовлари, см

Кўрсаткичлар	I-гурӯх		II-гурӯх		III-гурӯх	
	15 ойлик	18 ойлик	15 ойлик	18 ойлик	15 ойлик	18 ойлик
Яғрин баландлиги	108,6	112,0	107,5	108,0	107,0	108,0
Думғаза баландлиги	114,0	116,0	110,4	110,6	111,5	111,6
Кўкрак чуқурлиги	46,3	48,7	47,1	48,0	47,8	48,0
Кўкрак кенглиги	33,3	35,6	34,4	35,0	34,3	35,7
Тос чўққи кенглиги	34,0	36,7	34,4	36,0	35,0	36,0
Тос-болдир бўғин кенглиги	36,0	37,4	34,9	36,0	36,6	36,7
Тананинг қия узунлиги	112,0	115,7	114,4	115,0	114,0	116,0
Кўкрак айланаси	145,0	149,6	145,8	148,0	142,0	144,0
Орқа ярим айланаси	88,0	90,4	86,3	86,6	88,0	88,5
Поча айланаси	17,0	18,0	16,3	16,6	16,0	16,7
Калла узунлиги	34,6	34,9	34,6	36,0	34,0	36,0
Пешона кенглиги	20,0	20,6	19,6	20,5	19,5	19,9

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, тажрибага моллар тана тузилиши ва унинг ўзгариш хусусиятлари билан бир-биридан фарқланади. Ушбу ўзгаришлардаги устиворлик I-гурӯҳда юқори бўлса, II ва III-гурӯҳларда фарқланишлиги кам. Қозоқи оқбош соф зотли новвосларда чатишма авлодларга нисбатан бўйи баланд, танаси хажмли ва мускуллар билан тўлишган. Калласи нисбатан калта лекин, пешонаси кенг. Ушбу кўрсаткичлар

бўйича II ва III-гурӯҳ моллари деярли фарқланмайди. Тана ўлчовлари бўйича қозоқи оқбош генотибли чатишма авлодлар соф зотлиларга яқинлашиб борган.



Расм 1. Таҷрибадаги новвосларнинг 18 ойлигидаги қалла суяк индекслари (100 %-III-гурӯҳ)

Молларнинг индекс кўрсаткичларида ёши ошиши билан баланд оёқлик индексининг пасайиши кузатилса, бошқаларида нисбатан кўтарилиш аниқланган. Тана тузилиш типи кўпроқ қўшмаҳсулдорли молларга хос.

Жумладан, 18 ойлигида I-гурухдаги новвосларнинг баландоёқлик индекси-56,5 %, кўкракдорлик-73,1, чўзилганлик-103,3, тиғизлик-129,2, ўсиғлик-103,6, суякдорлик-16,1 ва гўштдорлиги-80,7 % бўлса, II-гурухда тегишлича-55,6 %, 72,9, 106,5, 128,7, 102,4, 15,4 ва 80,2 %, III-гурухда-55,5, 74,4, 107,4, 124,1, 103,3, 15,5 ва 81,9 фоизга тенг. Лекин кўракдорлик ва тиғизлик индекслари гўштдорлик типига ҳам яқинлашган.

Шундай қилиб, тажрибадаги моллар танасининг хажми ўзгариб борган, тузилиш типи эса қўшмахсулдор ҳамда гўштмахсулдор типларига хосдир.

Молларнинг калла суяк тузилиш шакли ёки креонологик хусусиятлари ҳам ўзгарган. Ушбу кўрсаткичлар қуйидаги расм график шаклида таққосланган. Расмда келтирилган график шаклидан кўриниб турибдики, қозоқи оқбош зотли молларнинг калла суяк тузилиш шакли чатишма авлодларникига нисбатан пешона, шохлар оралиқ ва бурун кенглиги (устиворликда) ҳамда калла орти узунлиги ва кенглиги (кам) индекслари бўйича кескин фарқланади.

Қозоқи оқбош зотли новвослар калла суяк тузилиш шакли пешонасининг узунлиги ва кенглиги, ўртача шохлар оралиғи, калта тумшук ва кенг бурун суяклари, ўртача кенглик ва узун жағ суяклари, қисқа тиш қатори, юқори жағнинг ўртача тишсиз оралиғи, кенг ва ўртача баландликдаги энсиз (гардон) билан характерланади.

Икки зотли швиц чатишма II-авлодларига узун ва ўртача кенгликдаги пешона, ўртача шохлар оралиғи, қисқа тумшук, қисқа ва ўртача кенгликдаги бурун суяклари, ўртача кенглик ва узунликдаги жағ суяклари, ўртача узунликдаги тиш қаторлари, ўртача тишсиз бўшлиғ, баланд ва кенг энсага хос.

Уч зотли чатишма авлодларнинг калла суяк тузилиш шакли I ва III-гурухдаги молларнинг ўртача оралиқ кўрсаткичларига хосдир. Демак тажрибадаги молларда хронологик кўрсаткичлари бўйича фарқланишлик кузатилади.

5. ТАЖРИБАДАГИ МОЛЛАРНИНГ ГЎШТ МАҲСУЛДОРЛИГИ

Маълумки молларнинг гўшт маҳсулдорлиги қуйидаги кўрсаткичлари бўйича баҳоланади: гўштга топшириш ва сўйим олди массаси, сўйим массаси ва сўйим чиқими, резги маҳсулотлари массаси, гўшт нимталарининг морфологик таркиби, гўштнинг кимёвий таркиби, оргонолептик ва тўйимлик қиймати ва ҳоказолар.

Молларнинг гўшт маҳсулдорлик характери қатор факторлар билан боғланишликда: сўйиш ёши, озиқлантириш меъёри ва сақлаш усуллари ҳамда зотнинг биологик хусусиятлари билан.

Турли зотли моллар ва чатишма авлодларни тирик массаси биологик таққослаш турли хатоликларга олиб келади. Тирик масса албатта гўшт нимталари билан боғланишликда лекин таққослашга имконият берилмайди.

Шу боисдан моллар гўшт маҳсулдорлигини ўрганишда уларни сўйиб, сўйим чиқимлари ва ҳоказо кўрсаткичлар ўрганилиб таққосланади.

5.1. Молларнинг сўйим кўрсаткичлари

Тажрибадаги новвосларнинг сўйим кўрсаткичлари уларнинг 15,5 ва 18 ойлигида аниқланган. Қуйида биз 18 ойликда сўйилган моллар кўрсаткичларини ўрганиб, уларни ўзаро таққосладик (7-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, I-гурухдаги қозоқи оқбош зотли новвосларнинг сўйим кўрсаткичлари устиворлиги билан кузатилади. II ва III-гурухдагиларники нисбатан ўхшашлик кўрсаткичларида. Ушбуларда охиргиларининг айрим кўрсаткичлари (гўшт нимта массаси, ички ёғлар массаси ва сўйим чиқими) бўйича устиворлиги сезилади.

I-гурухда сўйим массаси 253,3 килограммни ташкил этган бўлса, II-гурухда-213,3 ва III-гурухда 219,2 килограммга тенг. Ёки улар оралиғидаги фарқланишлик-18,8 ва 15,6 фоизни ташкил этган.

7-жадвал

Тажрибадаги новвосларни 18 ойлигидаги сўйим кўрсаткичлари

(ўртача 1 бошга)

Кўрсаткичлар	I-гурух	II -гурух	III-гурух
Тажриба якунидаги тирик масса, кг	447,7	386,0	385,5
Сўйиш олдида тирик масса, кг	424,7	364,0	364,0
Гўшт нимталар массаси, кг	238,5	200,0	204,5
Гўшт нимталар чиқими, %	56,16	54,94	56,18
Ички ёғлар массаси, кг	14,86	13,32	14,66
Ички ёғлар чиқими, %	3,50	3,66	4,04
Сўйим массаси, кг	253,3	213,3	219,2
Сўйим чиқими, %	59,65	58,60	60,21
Зачёт қилинган тирик масса, кг	488,5	408,0	417,2

Таъкидлаш жоизки, барча гурухдаги новвослар юқори семизлик кондинциясига етиб, 59-60 % дан сўйим чиқими бериш, соф зотли ва икки ва уч зотли чатишма авлодлар учун юқори кўрсаткичлар ҳисобланади. Зачёт массага ўтказилганда уларнинг ҳар бири 408, 417 ва 488 килограмм тош босган. Натижада мускуллар билан тўлишган гўшт нимталари ва мўл миқдорда ички ёғлари олинган.

5.2. Гўшт нимтасининг таркиби ва сифати

Гўшт нимтаси сифатини баҳолаш унинг устки қисмида тўлишган ёғ тўқималарининг тарқалиши ва қалинлиги бўйича ўтказилади. Ёғ тўқималари билан қопланишда бўлган гўшт нимталари биринчи категорияга ўтказилади.

Тажриба гуруҳларига тегишли новвослар сўйилганида уларнинг гўшт нимталари юқорида келтирилган талаблар бўйича биринчи категорияга ўтказилган. Уларнинг морфологик таркиби ўрганилган (8-жадвал)

8-жадвал

**Тажрибадаги новвослар ярим гўшт нимтасининг 18 ойликдаги
морфологик таркиби**

Кўрсаткичлар	I-гуруҳ		II-гуруҳ		III-гуруҳ	
	кг	%	кг	%	кг	%
Гўшт ярим нимта массаси	122,28	100	101,93	100	104,05	100
Ш.ж.лаҳим гўшт ва ёғ	98,92	80,90	80,00	78,49	80,72	77,62
Суяк ва тоғай	23,36	19,10	21,93	21,51	23,33	22,38

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, гўшт нимтасининг морфологик таркибида лаҳим гўшти ва ёғ массаси ва чиқими бўйича қозоқи оқбош зотли новвослар устиворлик қилади. Истеъмол қилинадиган гўшт массаси 98,92 кг ва унинг чиқими 80,90 % га тенг. Истеъмол қилинадиган-суяк ва тоғай бўлаклари нисбатан паст (19,1 %). Бу борадаги кўрсаткичларда иккинчи ўрин қозоқи оқбош генотибли II-гуруҳ новвосларига хос. III-гуруҳдаги швиц генотибли новвослар гўшт нимталарида лаҳим гўшти салмоғи нисбатан кам (77,62 %) бўлиб, суяк ва тоғай бўлаклар салмоғи кўтарилган (22,38 %).

Ушбу кўрсаткичлар гўшт нимталарини мускул ва ёғ тўқималари билан қанчалик тўлишганлигидан далолат беради. Қозоқи оқбош зотли гўшт йўналишида бўлиб, унинг ирсий хусусиятлари гўштнинг морфологик таркибига ижобий таъсир кўрсатган.

Тажрибада гўшт нимталари анатомик қисмларга бўлиниб, уларнинг массаси ва салмоғи ўрганилган (9-жадвал).

9-жадвал

**Тажрибадаги новвослар гўшт нимталарининг анатомик бўлаклари
массаси ва салмоғи**

Анатомик бўлаклар	I-гурӯх		II-гурӯх		III-гурӯх	
	кг	%	кг	%	кг	%
Бўйин қисми	14,87	12,16	10,87	10,66	11,89	11,49
Елка курак қисми	21,68	17,73	19,76	19,39	20,00	19,22
Орқа курак ва қовурға қисми	36,92	30,19	28,80	28,25	28,76	27,64
Биқин қисми	10,97	8,97	8,77	8,60	9,90	9,51
Тос-сон қисми	37,84	30,95	33,73	33,09	33,50	21,20
Жами:	122,28	100	101,93	100	104,05	100

Тажрибадаги моллар гўшт нимталари анатомик бўлаклар чиқимида ҳам фарқланишлик кузатилади. I-тажриба гуруҳи бўйин, орқа-кўкрак ва қовурға бўлаклари чиқими бўйича устиворлик қилса, биқин қисми чиқими устиворлиги III-гуруҳга, тос-сон қисми устиворлиги эса II-гуруҳга хос. Одатда юқори навли гўшт бўлаклари кўкрак, орқа, қовурға, биқин, тос ва сон қисмидан олинади. Ушбу қисм бўлаклари чиқими I-гуруҳда 70,11 % (85,68 кг) га, II-гуруҳда-69,94 % (71,3 кг) га, III-гуруҳда-69,35 % (72,16 кг) га тенг. Ушбу навли бўлаклар массаси I-гуруҳга нисбатан 14,38 кг (20,0 %) га ва III-гуруҳга

нисбатан -13,52 кг (18,7 %) га кўп. II ва III-гурӯҳлар оралиғида фарқланишлик кам кузатилади.

Жадвалда келтирилган гўшт нимталари анатомик бўлакларида лаҳим гўшти чиқими ўрганилганда қуйидаги натижалар аниқланган. Жумладан, I-гурӯҳ новвослари гўшт нимтасининг бўйин қисми бўлағида лаҳим гўшт ва ёғ чиқими 84,88 %, курак елка қисмида 81,70 %, орқа-қўкрак-қовурға қисмида 77,09 %, биқин қисмида 82,72 % ва тос-сон қисмида 82,17 фоизни ташкил қилган. Ушбу кўрсаткичлар II-гурӯҳда тегишлича 80,05 %, 77,94, 76,30, 76,52 ва 79,56 фоизга тенг, III-гурӯҳда 84,76 %, 81,53, 75,52, 77,39, 79,91 %. Кўриниб турибдики энг қийматли гўшт бўлақларидан олинган лаҳим гўшти ва ёғ чиқимлари I-гурӯҳда юқори бўлиб, II-гурӯҳ молларига бу кўрсаткичлар бўйича иккинчи ўрин мансуб.

Демак, қийматли гўшт бўлақларида лаҳим гўшти ва ёғининг чиқими бўйича устиворлик қозоқи оқбош зотининг ирсий имкониятлари билан боғлиқ. Ушбу хусусиятларни қозоқи оқбош чатишма авлодлар генотипига ўтганлиги кузатилади.

5.3. Ички аъзолар (резги маҳсулотлари) чиқими

Тажрибадаги новвосларни сўйишда юқорида келтирилган гўшт маҳсулотлари билан бир қаторда уларнинг ички аъзолари массаси ва чиқими ўрганилган. Бу ички аъзолар организмнинг физиологик фаолиятида муҳим рол ўйнайди, уларда оксидланиш-тикланиши модда алмашинув жараёнлари кечади. Улар моллар сўйилганда резги маҳсулотларига киради.

Ички аъзолардан 10 тасининг чиқими тажрибаларда ўрганилган (10-жадвал).

10-жадвал

Тажрибадаги новвосларни 18 ойлигидаги ички аъзолар чиқими, %

Ички аъзолар	I-гурӯҳ	II-гурӯҳ	III-гурӯҳ
Юрак	2,02	2,60	1,78
Ўпка	3,12	2,81	3,08

Жигар	5,78	5,40	5,26
Буйрак	1,26	1,03	0,91
Талоқ	0,83	0,91	0,88
Катта қорин	8,30	7,33	8,61
Ширдон	2,60	2,78	2,51
Қатқорин	2,60	2,44	2,69
Тўр қорин	2,80	2,23	2,56
Ичак (ингичка ичак)	3,80	3,23	3,11

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ички аъзоларнинг ривожланиши бўйича гуруҳлар бўйича фарқланишлик кузатилади. Ўпка, жигар, буйрак, тўр қорин ва ингичка ичакларнинг ривожланиши I-гуруҳдаги новвосларда юқори бўлса, юрак, талоқ, ширдон ривожининг устиворлиги II-гуруҳга, катта ва қатқорин устиворлиги III-гуруҳга хос.

Ушбу ичак аъзолар нисбатининг устиворлиги оксидланиш-тикланиш ва модда алмашинув жараёнларининг жадал ўтиши билан боғлиқ. Ўпканинг ривожланиши оксидланиш ва жигарнинг ривожланиши модда алмашинув жараёнларининг жадал ўтишини характерлайди. Демак, ушбу жараёнларнинг устиворлиги қозоқи оқбош зотига хос. Шу боисдан ҳам уларда массасининг мутлоқ ўсиши юқори даражада намоён бўлган ҳамда гўшт нимталарида мускул ва ёғ тўқималарнинг тўпланиши жадал ўтган десак ҳақиқатга тўғри келади.

5.4. Ички ёғларнинг тўпланиши ва тарқалиши

Маълумки, ички ёғлар молларнинг қуйидаги ички аъзолари атрофида тўпланади: қорин, ичак, буйрак, юрак ва бошқа аъзолар устида ва атрофида. Унинг тўпланиш даражаси турли факторлар билан боғлиқ. Молларнинг ёши, жинси, зоти, озиқлантириш меъёри ва сақлаш усуллари.

11-жадвал

Тажрибадаги новвосларни 18 ойлигида ички ёғларни тўпланиши ва тарқалиши

Кўрсаткичлар	I-гурух		II-гурух		III-гурух	
	кг	%	кг	%	кг	%
Жамики ички ёғлар	14,85	100	13,32	100	14,66	100
Қорин устки ёғи	3,90	26,26	4,30	32,29	3,40	23,19
Буйракатрофи ёғи	3,48	23,43	3,00	22,52	3,41	23,26
Юрак атрофи ёғи	1,21	8,15	1,36	10,21	1,09	7,44
Ичак устки ёғлари	6,26	42,16	4,66	34,98	6,76	46,11

Ўтказилган тажрибаларда ичак ёғларнинг тўпланиш захираси ва уларни ички аъзолар устки қисмида тарқалиши ўрганилган (11-жадвал).

Ички аъзоларда жамики жамғарилган ёғ захиралари бўйича I ва III-гурухлар устиворлик қилади. Уни ички аъзолар бўйлаб тарқалишида турли даражада ва характерда фарқланишлик мавжуд. Жумладан ички ёғларнинг қорин устки қисмида ва юрак атрофида тўпланишлик салмоғи II-гурухлаги новвосларга хос бўлса, ичак устки қисми ва атрофида ёғларнинг тарқалиш салмоғи III-гурухда юқори. Демак, ички ёғларнинг ички аъзолари атрофида тўпланиш характери тажриба гуруҳларидаги молларда турлича. Ушбу хусусиятлар молларнинг зотиға ва уларнинг индивидуал сифатларига боғлиқ.

Ички ёғларни тўпланиши ва тарқалишиға хос бўлган қуйидаги хусусиятларни келтириш мумкин. Ёғ захираси озиқ маддалар резерви сифатида хизмат қилади. Молнинг ўсиши жараёнида ёғлар, аввало ички аъзоларда тўпланади. Молларни ориғлаб бориши жараёнида биринчи навбатда тери ости ёғлари сўнгра мускул ёғлари ва охирида ички аъзоларидаги ёғлар харажат қилинади. Энг кўп соф ёғ миқдори ички аъзоларда тўпланган ёғ тўқималарида бўлади. Ички ёғлар юқори хароратда эрийди ва нисбатан йод сони паст бўлади. Шунинг учун ҳам танадаги бошқа ёғларға нисбатан кам истеъмол қилинади.

5.5. Гўштнинг кимёвий таркиби, тўйимлилиги ва биологик сифати

Гўшт сифатининг объектив кўрсаткичлари-лаҳим гўштлири ва уларнинг тўйимлилик қиймати-бу кимёвий таркиби ва ундаги тўла қийматли ва тўлақийматли бўлмаган оқсиллар ва бошқалардир. Гўштнинг таъмир оргонолептик усулларда аниқланиб унинг майинлиги, ширалиги, хушбўйлиги ва рангига боғлиқ.

Лаҳим гўштининг сифати бошқа кўрсаткичлар билан биргаликда таркибидаги протеин ва ёғнинг ўзаро нисбати билан характерланади. Таркибида 10-12 фоиз ёғ моддалари бўлган лаҳим гўштлар мақбул ҳисобланади. Ёки оқсил-ёғ нисбати 2 : 1 – 1 : 1 бўлиши жоиз.

Гўштнинг кимёвий таркибига зот, жинс, ёш ва молларнинг семизлик категорияси катта таъсир кўрсатади. Юқори семизлик ва ёғлар категориядаги моллар гўшт таркибида ёғ миқдори ошиб боради ва унинг калориялиги моллар гўшт таркибида ёғ миқдори ошиб боради ва унинг калориялигини оширади.

Мавжуд маълумотларга кўра гўштдор зотли моллар ўртадан паст семизлигидаги лаҳим гўштининг 1 килограмм-1214 ккал га, ўрта семизликда-1815, юқори семизликда-2485 ккал га тенг.

Ўтказилган тажрибаларда турли тажриба гуруҳларидаги новвослар гўштининг кимёвий таркиби ва калориялиги ўрганилган (12-жадвал).

12-жадвал

Тажриба гуруҳларидаги новвослар 18 ойлигидаги гўштнинг кимёвий таркиби (%) ва калориялиги

Кўрсаткичлар	I-гуруҳ	II-гуруҳ	III -гуруҳ
Сув	60,93	64,16	66,92
Қуруқ модда	39,07	35,84	33,08
Протеин	17,73	19,01	19,98
Ёғ	20,37	15,81	12,07
Кул	0,97	1,02	1,03
1 кг гўштнинг калориялиги, ккал	2621	2250	1942

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, қозоқи оқбош гўштдор зотли новвослар гўшти таркибида чатишма авлодларникига нисбатан сув миқдори кам бўлиб, қуруқ модда миқдори юқори. Унинг 17,73 фоизини протеин ва 20, 37 фоизини ёғ ташкил этган. Ушбу кўрсаткичлар II-гурух новвослар гўштида тегишлича -19,01 ва 15,81 % III-гурухда эса -19,98 ва 12,07 % га тенг. Гўшт таркибидаги ёғ моддасининг кўпайиши билан унинг калориялиги ошган. Ушбу кўрсаткич гуруҳлар бўйича тегишлича 2621, 2250 ва 1942 килограммни ташкил этган. Ёки I-гурухни III-гурухдан устиворлиги 679 ккал (35,0 %) га ва II-гурухники-309 ккал (15,9 %) га тенг.

7. ТАЖРИБАДАГИ МОЛЛАРНИНГ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

7.1. Гематологик кўрсаткичлари

Маълумки, моллар организмда физиологик жараёнларни кечиши қон таркиби билан боғлиқ. Уларни ўрганиш билан модда алмашинув жараёни даражаси ва моллар маҳсулдорлигининг боғланишлиги аниқланади.

Қоннинг морфологик ва биохимик таркибига озиклантириш ва сақлаш шароитлари, молларнинг ёши, жинси ва зоти таъсир кўрсатади.

Ўтказилган тажрибаларда моллар қонининг морфологик таркиби ўрганилган (18-жадвал).

18-жадвал

Тажрибадаги новвослар қонининг морфологик таркиби

Кўрсаткичлар	I-гурух		II-гурух		III-гурух
	$X \pm S_x$	td	$X \pm S_x$	td	$X \pm S_x$
Баҳор мавсумида (13 ойлик)					
Эритроцитлар сони, млн	7,63±0,09	12,7	5,85±0,14	0,9	6,00±0,09
Лейкоцитлар сони, минг	6,37±0,12	7,0	4,67±0,07	0,6	4,97±0,05
Гемоглобин миқдори, г/%	10,73±0,17	0,8	11,17±0,24	1,8	10,93±0,18
Ёз мавсумида (15 ойлик)					
Эритроцитлар сони, млн	6,73±0,17	1,5	6,17±0,92	0,0	6,18±0,33

Лейкоцитлар сони, минг	6,23±0,11	2,8	5,40±0,36	0,8	5,70±0,15
Гемоглобин миқдори, г/%	10,47±0,29	0,3	10,87±5,80	0,1	10,57±0,21

Олинган маълумотларнинг кўрсатишича қон таркибидаги гемоглобин ва эритроцитлар даражаси молларнинг конституция типи ва зотдорлигини намоён этади. Аниқланишича соф зотли ва чатишма авлодлар қон кўрсаткичларини ёши бўйича ўзгариши уларнинг ўсиш жадаллиги билан боғлиқ. Жумладан, I-гурухдаги молларни жадал ўсиши даврида эритроцитлар сони I ва II-гурухдагиларникидан юқори аниқлик даражасидаги фарқланишликда. Гемоглобин миқдори бўйича эса фарқланишлик ҳолати нисбатан паст ва аниқлик даражада эмас.

Баҳор мавсумида соф зотли қозоқи оқбош ва улар чатишма авлодларининг гемунно-биологик реактивлиги III-гурухдагиларникидан юқори аниқлик даражасидаги фарқланишликда. Ёз мавсумида эса ушбу фарқланишликлар текслик ҳолатига келган.

Организм ҳаёт фаолиятининг муҳим кўрсаткичларидан бири бўлиб, қон таркибидаги оқсил ва унинг фракциялари (альбумин, альфа, бетта ва гамма-глобулинлар) ҳисобланади. Тажрибаларда ушбу кўрсаткичлар ўрганилиб, зотлар орасидаги фарқланишлик аниқланган (19-жадвал).

19-жадвал

Тажрибадаги новвослар қонининг биохимик таркиби ($X \pm S_x$), %

Кўрсаткичлар		I-гурух	I-гурух	III-гурух
Баҳор мавсумида (13 ойлик)				
Умумий оқсил		7,87±0,17	7,07±0,01	7,11±0,05
Альбумин		41,08±0,29	42,91±2,47	42,46±0,74
Глобулин	альфа	13,69±0,76	13,04±1,95	13,18±0,41
	бетта	18,59±0,69	18,20±0,56	18,37±1,23
	гамма	26,64±1,05	25,77±1,19	25,99±1,11
Ёз мавсумида (15 ойлик)				

Умумий оқсил		5,93±0,52	5,20±0,04	5,29±0,00
Альбумин		37,49±0,62	40,67±1,42	39,37±1,73
Глобулин	альфа	15,44±0,59	14,97±0,62	14,43±0,70
	бета	19,33±1,02	18,22±0,23	18,39±1,84
	гамма	27,74±0,47	26,14±1,11	27,81±2,20

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, қозоқи оқбош новвослар қон плазмасидан умумий оқсиллар миқдори энг юқори ва унинг фарқлинишлиги юқори аниқликда. Барча тажриба гуруҳларида ёз мавсумида умумий оқсил альбумин миқдорининг пасайиши кузатилади. Қон таркиби биохимик кўрсаткичларининг мавсум бўйича камайиши молларнинг ирсиятлик ва конституция хусусиятларига боғлиқ. I ва II-тажриба гуруҳларида альфа-глобулинлар миқдори ёзда баҳорга нисбатан кўтарилган бўлса, III-гуруҳда эса пасайган. Бета-глобулинлар миқдори қонда I-гуруҳда кўтарилган, II-гуруҳда эса бойиган, III-гуруҳда бир хил даражада сақланган. Гамма-глобулинлар I ва II-гуруҳдагилар қонида кўтарилган, III-гуруҳдагиларда эса ўзгаришсиз сақланган.

Қон таркибидаги альбумин ва шунингдек умумий оқсил миқдори моллар ўсиш жадаллиги билан боғлиқ. Жумладан, ўтказилган тажрибаларда баҳаор мавсуми бўрдоқилашнинг биринчи босқичида қон зардоби таркибидаги альбуминларни юқори меъёردа кунлик масса ўсиш кўрсаткичлари ҳам юқори бўлган.

7.2. Ташқи муҳит шароитига молларни сезгирлиги

Ўзбекистоннинг кескин континентал иқлим шароитида молларни очик майдончаларда сақлашда уларнинг термарегуляцияси (тана ҳароратини бошқариш) муҳим биологик ва амалий аҳамиятга эга. Ушбу факторларни ўрганишда молларнинг клиник кўрсаткичлари-тана ҳарорати, нафас олиш ва бўғин уруш тезлиги аниқланган (20-жадвал).

Ташқи муҳит шароитининг таъсирида молларнинг тана ҳароратининг кўтарилиши кузатилади. Бу айниқса, ёзнинг иссиқ кунларида юқори фарқланишликда. Ушбу даврда нафас олиш ва бўғин уриши ҳам тезлашган.

Молларнинг клиник кўрсаткичлари ёзги мавсумда қишқига нисбатан ўзгариб борган. Қиш даврида кўрсаткичларнинг бир хиллиги мавжуд.

Ёзнинг тушки иссиқ кунларида моллар тана ҳарорати кўрсатилган бўлсада, лекин физиологик нормада сақланган.

20-жадвал

Тажриба гуруҳидаги новвосларнинг қишки ва ёзги мавсумларда клиник кўрсаткичларини ўзгариши

Кўрсаткичлар	I-гуруҳ		I-гуруҳ		III-гуруҳ	
	эрталаб	тунда	эрталаб	тунда	эрталаб	тунда
Қиш мавсумида (10 ойлик)						
Ҳаво ҳарорати, °C	-5	+1	-5	+1	-5	+1
Ҳавонинг нисбий намлиги, %	75	74	74	74	74	74
Биометрик босим, ртут устунида	720	720	720	720	720	720
Тана ҳарорати, °C	38,4	38,8	38,3	38,7	38,1	38,6
Нафас олиш тезлиги, 1 минутда	37,0	36,0	38,0	36,0	35,0	36,0
Бўғин уруш тезлиги, 1 минутда	60,0	64,0	62,0	67,0	63,0	67,0
Ёз мавсумида (16 ойлик)						

Ҳаво ҳарорати, °C	+21	+41	+21	+41	+21	+41
Ҳавонинг нисбий намлиги, %	40	31	40	31	40	31
Биометрик босим, ртут устунида	718	718	718	718	718	718
Тана ҳарорати, °C	38,9	39,4	38,3	39,0	38,5	39,1
Нафас олиш тезлиги, 1 минутда	43,0	60,0	36,0	57,0	39,0	52,0
Бўғин уруш тезлиги, 1 минутда	68,0	76,0	68,0	71,0	64,0	69,0

Ёзги нафас олишнинг қишқисига нисбатан 16-24 мартаба/минутга тезлашиши туфайли альвеолалардаги кислородлар сони нормада сақланган.

Ўтказилган тажрибаларда иссиққа чидамлилиқ физиологик таркибини молларнинг тана тузилиш типининг фарқлинишлиги билан тушунтириш мумкин. Тажриба гуруҳларидаги молларда тана ҳарорати, нафас олиш ва бўғин уриш тезлиги уларни термик факторларга бир хил чидамлилиги билан тушунтирилган.

Молларнинг ташқи муҳит юқори ҳароратга чидамлилигини иссиққа чидамлилиқ индексларида аниқлаш мумкин. Ёз мавсумида турли пайтида ҳаво ҳароратини 41 °C га кўтарилишида I-гуруҳдаги молларни иссиққа чидамлилиқ индекси -92 га, II-гуруҳда -88 ва III-гуруҳда-90 га тўғри келган.

Шундай қилиб тажриба гуруҳдаги моллар қишқи ва ёзги мавсумлар ташқи муҳит иқлим шароитига мослашган ҳолда юқори ўсиш хусусиятларини намоён қилган ва гўшт маҳсулдорлиги кўтарилиб борган. Демак, молларни гўштга жадал парваришlash ва бўрдоқилashда уларни очиқ майдончаларда сақлаш ва парваришlash технологиялари самарали бўлиб, уни кенг жорий этиш жоиз.

8. ТАЖРИБАДАГИ МОЛЛАРНИ ГЎШТГА БОҚИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

Бузоқларни 6-8 ойлигига қадар гўштчилик хўжаликлар технологиясига асосан ўз онасига эмдириб, яйлов шароитида парваришлаш ва сўнгра очик майдонларда жадал парваришлаш ва бўрдоқилаш технологиялари иқтисодий томондан самарали ҳисобланади. Унда сарфланадиган харажатлар миқдори камайиб 1 ц тирик массасининг тан нарҳи арзонга тушади. Улар юқори тирик массага ва юқори семизлик категориясига етказиб сотишда, олинадиган даромад миқдори ошиб боради. Натижада олинадиган соф фойда ва ишлаб чиқариш рентабеллик даражаси кўтарилади.

Ушбу иқтисодий кўрсаткичлар тажрибадаги молларни парваришлашда ҳисобга олинган (21-жадвал).

21-жадвал

**Танланган технологик шароитларда тажриба гуруҳлардаги молларни
гўштга парваришлашнинг иқтисодий самарадорлиги**
(ўртача бир бошга, 1990 ва 2019 йиллар нарҳида)

Кўрсаткичлар	1990 йил нарҳ-новвосида (сўм)	2019 йил нарҳ- новвосда, минг сўм
--------------	----------------------------------	--------------------------------------

	гуруҳлар			гуруҳлар		
	I	II	III	I	II	III
Молнинг гўштга топширишдаги таннархи	525,76	474,52	471,63	2597	2271	2311
Гўштга топширилган ўртача тирик массаси, кг	432,9	378,5	385,2	432,9	378,5	385,2
1 ц тирик массасини сотиш нархи	250	250	250	840	820	800
Сотишдан олинган даромад	1032,25	946,25	963,0	3636	3104	3082
Соф фойда	556,49	471,73	491,32	1039	833	771
Рентабеллик даражаси, %	165,8	99,4	104,1	40,0	36,7	33,4

Иқтисодий кўрсаткичлар тажриба ўтказиш давридаги нарх-наволарда юқори самарадорликни кўрсатган. Озуқалар ва ишчи кучининг ҳамда бошқа сарфланган харажатларнинг нисбатан арзонлигида гўштнинг таннархи паст бўлган сотиш нархида олинган даромадлар эса юқори бўлган, натижада соф фойда миқдори кўтарилиб, рентабеллик даражаси I-гуруҳда 165,8 % бўлса, II-гуруҳда 99,4 % га ва III-гуруҳда 104,1 фоизга тўғри келган.

2012 йил нарх-наволарида келиб чиққан ҳолда иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаганимизда гўштнинг таннархи кўтарилган бўлиб, I-гуруҳда 2597 минг сўм, II-гуруҳда 2271 минг сўм ва III-гуруҳда 2311 минг сўм. Унга озуқа ва бошқа турли харажатлар салмоғини сўмда ошиб боришда гўштнинг таннархи сифатига қараб сотишда 1 ц тирик массасининг сотиш нархи тегишлича 840, 820 ва 800 минг сўмдан тўғри келади. Натижада улардан тегишлича 1039 минг сўм, 833 минг 771 минг сўм соф фойда олиш мумкин. Рентабеллик даражаси тегишлича 40,0 36,7 ва 33,4 фоизни ташкил этади.

Шундай қилиб новвосларни гўштга жадал парваришлаш ва якуний бўрдоқилаш иқтисодий томондан самарали ҳисобланади.

МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ МУҲОФАЗАСИ

Республикамизда меҳнатни муҳофаза қилиш қонун доирасида бўлиб, конституциявий тус берилган. Меҳнат муҳофазаси бўйича давлат андозалари ишлаб чиқилган ва ўқув меъёрий хужжатлар шаклида ўз ифодасини топган. Қишлоқ хўжалигида меҳнат муҳофазаси ГОСТ-120004-90 бўйича амалдаги ўқув меъёрий хужжатлар асосида олиб борилади.

Хўжаликдаги раҳбар ва мутахассислар учун меҳнат муҳофазаси бўйича намунавий дастур қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида ишлаб чиқилади ва касаба уюшмаси кўмитаси билан келишилади. Келишув раҳбар ҳамда мутахассисларни бу дастур билан таништириш борасида бўлиб, ўқитиш ишлари ташкил этилади. Ўқитиш 16 соатдан кам бўлмаслиги керак. Ўқитиш имтихон ёки реферат ёзиш билан якунланиши лозим.

Ўқув-тажриба хўжалиги қорамолчилик фермасида меҳнат қилувчи ходимларнинг меҳнат фаолияти ҳам қонуний хужжатлар асосида муҳофаза қилинган. Хўжаликнинг бу фермасида ишчи ходимлар учун дам олиш хоналари ажратилган. Ходимларнинг меҳнатини енгиллаштириш мақсадида айрим ишлар механизациялаштирилган. Хўжаликда меҳнатни муҳофаза қилишда инструктажлар ўтказилиб турилади. Бу йўл-йўриқларнинг (инструктажларнинг) ўтказилиши ҳавфсиз меҳнатни ташкил қилишни

таъминлаб, келгусида шкастланишларни, касалликларни камайтиришни ташкил қилади. Шу билан бирга хўжаликда экологиянинг бузилишини олди олинади. Чунки, молхоналарда чиқариладиган турли хил газлар ишчи ходимлар соғлигига салбий таъсир кўрсатади. Шу билан биргаликда фермадаги ишчи ходимлар шахсий гигиена қоидаларига тўла риоя қилишлари лозим.

ХУЛОСАЛАР

Ўтказилган тажриба натижаларини ўрганган ҳолда қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

1. Ўзбекистоннинг гўштдор қорамолчилиги соҳасида ишлаб чиқариш тизимини такомиллаштириш соҳасида ихтисослаштиришда аҳолининг шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда хўжаликлараро бўрдоқчилик корхоналари очик майдонларни ташкил этиш самарали ҳисобланади.

2. Репродуктор-фермер хўжаликларида тоғ олди ва тоғли худудларда пода ишлаб чиқариш ва бузоқларни тўлиқ онасига эмдириб яйлов шароитида парваришlash технологияларини жорий этиш. Эркак бузоқларни 6-8 ойлигида сутдан чиқарилгандан сўнг ихтисослашган бўрдоқчилик корхоналарига сотиш.

3. Гўштдор қорамолчилик худудларида хўжаликлараро бўрдоқчилик корхоналарини очик майдон технологик омиллардан шакллантириш. Репродуктор хўжаликлардан сотиб олинган эркак бузоқларни 6-8 ойлигидан 15-18 ойлигига қадар жадал парваришlash ва сўнгра 18-21 ойлигига қадар якуний бўрдоқlash. Молларнинг гўштга топшириш массасини 400-450 килограммга етказиш.

4. Қозоқи оқбош зоти, икки ва уч зотли чатиштириш асосида сермахсул авлодлар олиш, уларнинг гўшт маҳсулдорлик ирсий имкониятларидан самарали фойдаланишда уларни ёшлигиданок жадал парваришлаш ва бўрдоқилаш технологияларида гўштга топшириш тирик массаси 380-420 килограммга етади.

5. Ўтказилган тажрибаларда қозоқи оқбош зотли новвослар икки ва уч зотли чатишма авлод тенгдошларидан гўшт маҳсулдорлиги ва унинг сифати бўйича устиворликка эга.

6. Қозоқи оқбошли, икки ва уч зотли чатишма авлодларни 6-8 ойлигига қадар онасига эмдириб, сўнгра уларни жадал боқиш ва бўрдоқилаш гўшт маҳсулдорлигини кўтаришга ижобий таъсир кўрсатади.

7. Гўштнинг навли бўлаклари, морфологик таркиби, тўлишлик биологик сифатлари ҳамда терининг технологик кўрсаткичлари яхшиланган.

8. Гўшт йўналишидаги соф зотли ҳамда икки ва уч зотли чатишма молларни гўштдор қорамолчилик ва бўрдоқичилик технологик шароитларида сақлаш ва озиқлантириш иқтисодий самарадорликка эга. Соф фойда миқдори ва рентабеллик даражаси таъминланади.

Ишлаб чиқаришга таклифлар

Таҳлил этилган натижаларга асосланиб ишлаб чиқаришга қуйидагиларни тақсия этиш мумкин:

1. Гўштдор зотли ва уларнинг икки ҳамда уч зотли чатишма молларни гўштдор хўжаликлар технологик яйлов шароитида 6-8 ойлигига қадар онаси тўлиқ эмдириш ва сўнгра 18-21 ойлигига қадар очик майдонларда ихтисослашган хўжаликлараро бўрдоқичилик корхоналарида гўштга жадал парваришлаш ва бўрдоқилаш. Улар тирик массасини 400-420 килограммга етказиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сон қарори
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон республикаси президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” фармони.
3. Мирзиёев Ш.М. 16 мар. 2017 г. - ПҚ-2841-сон Чорвачиликда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Қарори NRM.
4. Каримов И.А. «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2006 йил 23 март 308-сонли қарори
5. Каримов И.А. «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2008 йил 21 апрел 842-сонли қарори.
6. Абдурашитов А.А. Мясные качества некоторых пород крупного рогатого скота разводимых в Узбекистане. Н. Тр. УзНИИЖ. Вып. V. Ташкент, 1960.
7. Абдувохидов И. Формирования мясной продуктивности быков помесей I, II и III поколений скота санта-гертруда. Автореф. Дисс. К.с.х.наук. Новосибирск, 1988.
8. Акбарходжаев Ш.Х. Хозяйственно-биологические особенности помесей местного зебувидного скота со швецкого породой в условиях Андижанской области. Автореф.дисс.к.с.х.наук. Ташкент, 1969.
9. Акулов У.А. Мясная продуктивность качества кож и некоторые биологические особенности быков казахского и швицизированного скота и их помесей при выращивании и откорма в условиях

- внутриотраслевой специализации мясного скотоводства Узбекистана. 1990.
10. Арзуманян Е.А., и др. Мясная продуктивность, качество мяса и кожевенного сырья при интенсивном выращивании быков основных пародов и их помесей в Челябинской области. Тр. ТСХА. Вып. 2. 1985.
 11. Атбащян А.А. Выведение бушуевский молочной породы скота. Ташкент. Фан. 1968.
 12. Абилов В. Мясная продуктивность помесей от поглатительного скрещивания местного скота с абердин-ангуский пародой, выращенных на открытых полщадках в условиях юга Узбекистана. Автореф. дисс. к. с. х. наук. Ташкент. 1980.
 13. Багрий Б.А., Доротюк Э.Н. Племенная работа в местном скотоводстве. Москва. Колос. 1979.
 14. Бельков Г.И., Герасимов Б.Л., и др. Эффективные методы откорма и нагула скота. // молочное и мясное скотоводство. № 4, 1988.
 15. Буйная П.Н., Макеев А.Е. Повышение мясной продуктивности красного степного скота, методами промышленного скрещивания. Сбор. Док. ЫНИИМС. Оренбург. 1970.
 16. Восконян В.Б., Саркисян Р.Т. Рост и развитие молодняка полученного от скрещивания коров Кавказской бурой породы с быками генофондской и абердин-ангуской пород. // Сборник труда. Москва. Колос. 1973.
 17. Востриков Н.И., Доротюк Э.Н., Жолондзь Я.З. Повышение эффективности местного скотоводства. Москва. Колос. 1977.
 18. Галиакберов Н.З. Казахская белоголовая порода. Алма-Ата. Кайнар, 1967.
 19. Гайко А.А. Промышленное скрещивание в скотоводстве Белоруссии. // сбор. Тр. Москва. Колос, 1973.
 20. Герасимова Б.Л., Кудашева А., и др. Откорм быков-кастратов на летных рационах. // Молочное и мясное скотоводства. № 3, 1987.

21. Гуткин С.С. Особенности формирования местной продуктивности у молодняка крупного рогатого скота разных генотипов и их влияние на повышение качества говядины. Автореф. дисс. д. с. х. наук. Дубровицы, 1987.
22. Дудин С.Я. Мясная скотоводства. Алма-Ата. Кайнар, 1967.
23. Доротюк Э.Н. Хозяйственные и биологические особенности крупного рогатого скота Калмыцкой породы. Автореф. дисс. д. с. х. наук. Одесса, 1972.
24. Зубрянов В.Ф. Результаты промышленного скрещивания алатауских коров с быками генофондской породы. Автореф. дисс. к. х. с. наук. Алма-Ата. 1964.
25. Каракулов А.Б. Научные и практические основы интенсификации производства говядины в республике Таджикистан. Автореф. Дисс. д. с. х. наук. Ташкент, 1994.
26. Каххоров И. Мясная продуктивность и некоторые биологические особенности помесей первого и второго поколений Абердин-Ангусской породы и местного зебувидного скота Сурхандарьи. Диссертация. Ташкент. 1974.
27. Костомахин Н.И. Скотоводства. Москва. 2007.
28. Кулешов В.М., Серов П.П. Кормление и поение животных при высокой температуре среды. // Сельское хозяйство за рубежом. // Животноводства. № 8, 1970.
29. Кугенов П.В. Значение зебу в улучшении скотоводства в странах с тропическим и субтропическим климатом. Тр. ВНСХИИ. Москва. 1975.
30. Кулешов П.Н. Влияние питания на фермы животного тела и характер его продуктивности. Избр. Работы. 1949.
31. Ланина А.В. К отбору в мясном скотоводстве. // Животноводства. № 2, 1959.
32. Левантин Д.Л. Международное скрещивание повышает скороспелость молодняка. // Колхозное производство. № 3, 1959.

33. Ли Б.Д. Рост и развитие молодняка, мясная продуктивность и некоторые биологические особенности коров плановых мясных пород, местного улучшенного скота и их помесей. Автореф.дисс.к.с.х.наук. ташкент, 1982.
34. Мавлянов Н.А. Скотоводство Узбекистана. Ташкент. Фан. 1966.
35. Миниш Г., Фокс Д. Производственного говядины в США. Мясное скотоводство. Москва. 1986.
36. Мункуев К.Т., Потаев В.С. перспективы развития мясного скотоводства в Бурятской АССР. // Животноводство. № 6, 1987.
37. Насыров У.Н. Методы увеличения производства говядины и создание местного скотоводства в Узбекистане. Автореф.дисс.д.с.х.наук. Оренбург., 1974.
38. Насыров У.Н. Санта-гертруда в Узбекистане. // Сельское хозяйства Узбекистана. № 6. 1969.
39. Носиров У.Н. Қорамолчилик. Тошкент. 2001.
40. Насыров У.Н., Убайдуллаев Б. Эффективность улучшение скота местным породами. Тр. УзНИИЖ. 1970.
41. Назруллаев Н. Рост, развития, мясная продуктивность молодняка чернопестрого скота и его помесей с породами шароле и лимузин. Автореф.дисс.к.с.х.наук. Ташкент, 1978.
42. Нурмуратов Р.С. Нагульные и мясные качества двух и трехпородных помесных быков-кастратов. // Тр. УзНИИЖ. Вып. 22. 1976.
43. Нусов Н.И., и др. Производства говядины на промышленной основе. Москва. Колос. 1977.
44. Прахов Л.П. Казахская белоголовая порода скота. Челябинск. 1975.
45. Придорогин М.И. Экстерьер. Оценка сельскохозяйственных животных по наружному осмотру. Москва. Сельхозгиз. 1949.
46. Пак Д.Н. Породообразование и эволюция крупного рогатого скота. Казсельхозгиз. 1962.

47. Поздняков П.М. Санта-гертруда ценная мясная порода. Алма-Ата. Кайнар. 1967.
48. Погребняк П.Л. Создание мясного скотоводства на Украине. // Животноводства. № 8, 1973.
49. Рашидов В.С. Мясная продуктивность, качества кож и некоторые биологические особенности быков породы санта-гертруда, местного скота и их помесей при выращивании и откорма на открытой площадке в условиях Узбекистана. Автореф. дисс. к. с. х. наук. Ташкент. 1979.
50. Ростовцев Н.Ф., Черкащенко И.И. Промышленное скрещивание в скотоводстве. Москва. Колос. 1971.
51. Самарцев М.И. Швицизированный скот в Узбекистане и его совершенствование. Автореф. дисс. к. с. х. наук. Балатиха, 1972.
52. Тавилдарова Т.Ф. Разведение крупного рогатого скота в Среднеазиатских республиках. Дисс. д. с. х. наук. Алма-Ата, 1951.
53. Туракулов З.Т. Мясные качества местного и поместного скота. // Сельское хозяйство Узбекистана. № 12. 1966.
54. Фозилов М. Продуктивность молодняка красного степного скота и его помесей с местными пародами в условиях жаркого климата Узбекистана. Автореф. дисс. к. с. х. наук, Ташкент, 1974.
55. Хафизов Р.Х. Повышение мясной продуктивности крупного рогатого скота методами промышленного скрещивания животных в Татарский АССР. Элиста, 1971.
56. Черкаев А.В., Черкаева И.А. Селекционные методы качества говядины. // Молочное и мясное скотоводства. № 9, 1985.
57. Шум С.Р. Опыт промышленного скрещивания алатауских коров с быками абердин-ангусской и санта-гертруда. Автореф. дисс. к. с. х. наук. Алма-Ата, 1971.
58. Эшматов И.Я. Рост, развитие, мясное продуктивность и некоторые биологические показатели быков помесей симментальской и казахской

белоголовой пород с санта-гертрудой. Автореф.дисс.к.с.х.наук. Ташкент. 1991.

- 59.Ames D.R. Effekts of cold environments on cfttle. Agri-Pract., 1987/
- 60.Marahall D.M., Frohm R.R. Feedlot performonce of threlbreed crose cflves produced byvarious two-hweed cross cow groups. 1985.
- 61.Minton J.E. Effects of htat etress on feed intake of beef cfttle MP (mise. publ)-Oklohoma. Agr. Experiment atation. 1987.
- 62.Mac Neil M.D. grossabeeding systems for beef proguchion. Appl. Agr. Res., 1988.
- 63.Loeck G., Leege V., Neumonn T., Yujahre Fleischrinasichtang im VEC. Tiersucht Ferdinundshaf. Tiersuchk. 1987.